



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 4 ноябр
шанба
Сотувда эркин нархда
№ 220-221 (2517-2518)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAJLISINING GAZETASI

Йўл қурган савоб олади, дейди халқимиз. Бу анъана мустақиллик йилларида янада изчил давом эттириб келиняпти. Айниқса, Тошкент шаҳрида йўл қурилишига алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Зеро, пойтахтимиз гўзаллиги, йўлларнинг равлонлиги мафтункор юртимиз қиёфасининг ажралмас қисмидир.

ЙЎЛЛАР РАВОНЛИГИ — ЮРТ ОБОДЛИГИ



СУРАТЛАРДА: кўприкнинг очилиш маросимидан лавҳалар.

Муҳаммад АМИН олган суратлар.

3 ноябр куни Тошкентда автомобил қатновини тартибга солиш, йўллари жаҳон андозаларига мослаш борасидаги ишларнинг яна бир самараси бўлмиш Гавҳар ва ал-Хоразмий кўчаларини ўзаро боғловчи кўприкнинг очилиш маросими бўлди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Тошкентнинг Халқлар дўстлиги шоҳқўчаси орқали «Отчопар» бозорига бориш илгари талай ноқулайликлар туғдирар, йўлнинг ўта тигизлиги йўловчи ва ҳайдовчилар орасида асаб-бузарликларга сабаб бўларди. Бу ҳудуддаги йўллари кенгайтириш, қатновни тартибга солишда муҳим бўлган кўприк қурилиши, аввало, ана шундай ноқулайликларга барҳам беришни кўзда тутди.

(Давоми 2-бетда).

Эй одам фарзандлари,
мен зулми ўзимга ҳаром қилдим ва уни сизларнинг ўрталарингизда ҳам ҳаром қилдим. Бас, бир-бирларингизга зулм қилманглар.

Эй одам фарзанди, келиб турган ризқингга қаноат қилмасанг, дилингга орау-ҳавасларни солиб қўяман, улар ҳеч тугамайди ва сен улардан абадий қутула олмай қоласан.



14-бет

Ойим жуда раҳмдил эдилар. Бир куни қарасак, бир мусича уйимиздаги девор чироққа бир нечта чўпни тахлаб қўйибди. Ўша-ўша ойим девор чироқни ёқишга ҳам, совуқ-иссиқ кунларда деразани ёпишга ҳам қўймадилар.

У менинг ҳам онам эди

Азиз муштарий!
Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.



Конфуций Хитой фалсафаси тарихида биринчи марта фалсафа масалаларини кинот билан эмас, балки ўзи яшаётган конкрет жамият ва давлат қурилиши, мавжуд ижтимоий турмуш тарзи билан боғлади.

Конфуций

Норасмий рейд

Биргина беҳаё газета ё журнал оиланинг ўзида ота-она, ўғил-қизлар орасида қўлдан-қўлга ўтади. Тарбия-хатига қайси бир жи-келади, бу?

3-бет

13-бет

Чирчиқ «Электркимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасига

Авалло, барчангизни, мамлакатимиз саноатининг етакчи корхоналаридан бири бўлган Чирчиқ «Электркимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг олтинчи йиллик тўйи билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мана шундай унутилмас кунда ўз тарихи, қутлуғ анъаналари ва улкан иқтисодий салоҳиятига эга бўлган бу корхона Ватанимиз халқ хўжалигининг равнақида ҳамisha муҳим ўрин тутиб келганини барчамиз мамнуният билан эътироф этамиз.

Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида самарадорликни таъминлаш, тупроқ таркибини яхшилаш, экинлар ҳосилдорлигини оширишда сиз меҳнат қилаётган бирлашма фаолияти бугунги кунда ҳам беқиёс аҳамиятга эга.

Шунинг учун қишлоқ хўжалиги ривожига устувор аҳамият берилаётган ҳозирги даврда корхона фаолиятини янада такомиллаштириш, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш масаласига катта эътибор қаратиш керак. Ҳукуматимиз томонидан мамлакат кимё мажмуини, жумладан, «Электркимёсаноат» корхонасини тубдан қайта қуриш дастурининг қўллаб-қувватланаётгани бунинг яққол далилидир.

Бирлашманинг кўпмиллатли жамоаси, унинг заҳматкаш ва фидойи ишчи-хизматчилари эзгу мақсад йўлида астойдил меҳнат қилиб, ибрат бўлгулик натижаларга эришаётгани ҳаммамиз учун қувончлидир.

Ишончим комилки, бозор муносабатлари шароитида, эркин рақобат муҳитида, янги технологиялар асрида сизларнинг куч-ғайратингиз, билим ва тажрибангиз туфайли «Электркимёсаноат» янада қудратли, замонавий корхонага айланади.

Мана шундай олижаноб мақсад йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файз-барака, ишларингизга муваффақият тилайман.

Ислом КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Чирчиқ «Электркимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 60 йиллиги муносабати билан алоҳида ўрнатилган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Республикамизда кимё саноатининг тараққиётига қўшган катта ҳиссаси, илғор технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш, тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини жаҳон стандартлари даражасига етказиш соҳасида эришган муваффақияти, кўп йиллик самарали меҳнати, ёш авлодга кўрсатаётган ибрати ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»

Логозинский Анатолий Михайлович — 5-цех таъмирловчи-чилангари

Шарипов Учқун Хашимович — технологик ускуналарни марказий таъмирлаш цехи устаси

Узоқ йиллар фидокорона меҳнатлари билан мамлакатимиз иқтисодийетини юксалтиришга, замонавий технологияни жорий этиш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини ва тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини оширишга қўшаётган баракали ҳиссаси, иш жараёнида эришаётган ютуқлари, жамоа ўртасидаги шахсий ибрати, миллатлар ўртасида тотуликни мустаҳкамлаш борасидаги ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Марценюк Станислав Павлович — карбамид цехи таъмирловчи-чилангари

Мирзаянов Хасан Мир-

заянович — бўлим бошлиғи

Сабитов Умарали Усманович — 2-аммиак цехи навбат бошлиғи

«Дўстлик» ордени билан

Васильева Валентина Алексеевна — техник бўлим бош диспетчери

Калинкин Алексей Михайлович — ёғочга ишлов бериш цехи бошлиғи

Калназаров Суйиндиқ — компрессия цехи уста - технологи

Камбаров Усман Розаевич — сув таъминоти цехи бошлиғи

Лустина Елена Александровна — Марказий лаборатория бошлиғи

«Шухрат» медали билан

Ачилов Курбанбой Джураевич — таъмирлаш-механика цехи қозонхонаси ишчиси

Берестов Александр Прокопьевич — электр таъминоти цехи участка бошлиғи

Иванников Борис Иванович — электр асбоб-ускуналарини марказий таъмирлаш

Тошкент шаҳри, 2000 йил 3 ноябр

цехи электр чилангари

Исраилов Негмат Саттибаевич — 2-аммиак цехи иссиқлик техниги

Касимходжаев Анвар Саиднабиевич — 54-цехнинг газ тўлдириш станцияси ва халқ истеъмоли моллари бўлими устаси

Райхерт Павел Фридрихович — технологик ускуналарни марказий таъмирлаш цехи чилангари

Юлдашева Шаропат — 62-цех пайвандчиси

Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи билан:

Абдираисов Абдужамил Абдиқадирович — куйиш-механика заводи тоқари

Байрамов Шерилбай — 3-цех навбат бошлиғи

Колесникова Мария Фроловна — компрессор қурилмалари машинисти

Петренко Петр Васильевич — аммиак ишлаб чиқариш цехи аппаратчиси

Ташметов Абдусатар Иргашович — буг таъминоти цехи энергетиги

Тюрин Владислав Андреевич — газ хом ашёсини тайёрлаш цехи энергетиги

Фердерер Татьяна Валентиновна — моддий-техника таъминоти бўлими бош иқтисодчиси

Юлдашев Бахтиёр Нармизаевич — 5-цех компрессор қурилмалари машинисти

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ



(Давоми. Боши 1-бетда).

ЙЎЛЛАР РАВОНЛИГИ — ЮРТ ОБОДЛИГИ

Янги кўприкнинг узунлиги — 248, эни — 20 метр. Унда автомобиллар икки йўналиш бўйлаб тўрт қаторда ҳаракатланиши мумкин. Кўприк қурилиши билан бирга Халқлар дўстлиги шоҳқўчаси ҳам тубдан таъмирланди. Барча ишлар учун 3,5 миллиард сўм сарфланди. Бу ишларда «Тошйўлқурилиш» трести, «Автомагистрал» бирлашмаси йўлсозлари билан бир қаторда, вилоятлардан келган қурувчилар ҳам иштирок этди.

Янги кўприк ишга тушиши бу ердан ал-Хоразмий ва Қўйлиқ мавзеларига, Сирғали тумани, Тошкент шаҳрининг бошқа гузарларига боришни анча енгиллаштиради. «Отчопар» бозори ҳудуди, Халқлар дўстлиги шоҳқўчаси ва унга туташ йўллардаги қатнов тартибга тушади ва янада фаоллашади.

Одатда бундай иншоотларни очишда рамзий тасмани Президентимизнинг ўзи қирқарди. Бу сафар давлатимиз раҳбари мазкур шарафли вазифани кўприкнинг очилиш маросимига ташриф буюрган оқсоқолларга топширди. Нуруний отахонларнинг дуоси билан пойтахтимиздаги яна бир муҳим иншоот ишга туширилди.

Ислом Каримов Тошкент шаҳрида, умуман,

мамлакатимизда йўлларни тубдан яхшилаш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

— Сўнгги йилларда кўприксозликка катта эътибор қаратиляпти, — деди Президент Ислом Каримов. — Бу, аввало, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг манфаатларидан келиб чиқиб амалга ошириляпти. Бундай янги иншоотларнинг ишга тушиши хавфсизликни таъминлаш, кўпгина янги қулайликлар яратиш билан бирга, йўловчиларнинг узоғини яқин ҳам қиляпти. Биз Тошкент шаҳри ичида янги халқа йўл бунёд этилди. Бу йўл шаҳар четларидан марказга, шунингдек, муҳим объектлар, жумладан, аэропорт ва вокзалларга аввалгидан кўра тез етиб келишни таъминлайди.

Ислом Каримов йўлнинг обод бўлиши унинг атрофи ҳам ободлашувига катта таъсир кўрсатишини алоҳида таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам, равон ва кенг йўл қурилгандан сўнг унинг бўйида яшовчи одамлар ўз-ўзидан уйлари атрофини янада ботартиб қилиши киришиб кетади. Дарвозалар бўялиб, деворлар оқланади. Гулзорлар барпо қилинади. Натижада нафақат кўча, унинг атрофи ҳам кўзни қувонтирадиган манзара касб этади.

Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ошган

сари юртимизни хориж билан боғловчи халқаро магистрал йўллар қурилишига эътибор ҳам кучаймоқда. Айни пайтда маҳаллий коммуникация тармоқларини ривожлантириш эътибордан четда қолаётгани йўқ. Сўнгги йилларда Тошкент шаҳрида ва вилоятларда фойдаланишга топширилаётган замонавий йўллар шундан далолат бериб турибди. Ислом Каримов маҳаллий йўлларни замон талабларига мослаштириш ишларининг қўлами бундан кейин янада кенгайтишини таъкидлади. Жумладан, яқин вақтлар ичида Фарғона водийси ва Қорақалпоғистонни ўзаро боғловчи замонавий, катта тезликка мослашган йўл қурилади, деди Президент.

Йўлларни кенгайтириш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ўз даврида буюк соҳибқирон Амир Темур фаолиятининг ҳам бир қисми бўлган. Бугун юртимизда бу борада амалга оширилаётган хайрли ишлар боболаримизнинг бунёдкорлик анъаналари замонавий тарзда давом этирилаётганидан дарак беради. Бунга Тошкентда қад ростлаган яна бир замонавий кўприк мисол бўла олади.

Анвар КАРИМОВ, ЎЗА мухбири.

КОРЕЯДА ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

Б. ОСТАНАҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.


Сеулда ўзбек пахта толасининг тақдимномаси бўлди. У Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Ўзбекистоннинг Кореядаги элчихонаси томонидан Корея ташқи савдо агентликлари уюшмаси (АФТАК), Ташқи савдо ассоциация-

си (KOTRA), Халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ва «ДЭУ» корпорацияси иштирокида ташкил этилди. Тақдимот маросимида, шунингдек, ушбу давлатнинг 40 дан ортиқ савдо компаниялари ва саноат корхоналари раҳбарлари ҳам қатнашди.

Унинг қатнашчилари Ўзбекистон пахта сано-

ти истиқболи ва пахта толасини таснифлаш, стандартлаштириш ва сертификациялаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан таништирилди. Ўзбек пахта толасининг Жануби-Шарқий Осиё йўналишлари, шу жумладан, Кореяга жўнатиш бўйича амалда ва келажакда очиладиган транспорт йўллари ҳақида маълумот берилди.

Норасмий
рейд



Газета «ИШПОДРОМ»И

— «Радио» борми?
— Бор. Нечта оласиз?
— Битта-да...
— Ия, бизда битта сотилмайди. Бу сизга киосками? Газета-журнал «оптом» бозори...

Сиз ҳайрон бўлманг. Бу бозорни биласиз. Журналистлар уйининг шундоққина биқинида жойлашган. Ҳар пайшанба, жума тонг саҳардан узоғи билан ўн-ўн бирларгача бўлади. Бу ердаги газета, журналларнинг тури кўп, номлари хилма-хил. Журналист бўла туриб ҳатто шундай нашрлар борлигини ўзимиз ҳам билмас эканмиз: «Мегаполис», «Бан-зай», «Кот и пёс», «Бурда». Уларнинг манзил-маконлари ҳам турлича: Москва, Владимир, Новгород.

Бозор қонунига кўра, сотувчидан харидор кўп бўлиши керак, аслида бозорда. Бироқ бу ерда галатироқ. Сотувчилар, уларнинг ёрдамчи-шериклари бисёр. Усти «Хуррият», «Правда Востока», «Фидокор» газеталари билан ўралган «Даракчи», «Садо», «Спид» тахламларини турли русумли машиналарга ортаётганлар савдони тугаллаб, «маърифат» тарқатишга шошадилар. Чунки уларни ҳам ўз «точка»ларида шериклари кутаяпти. Таннархи 60 сўм бўлган биргина «Даракчи» шўрлик ўқувчисига етиб боргунча (ҳамма ерда ҳар хил) 100 сўмдан ошиб кетади. Ҳа, бозор иқтисодиёти-да, дейишади бирор гап айтсангиз. Бу ҳам тўғри, бироқ энг алам қиладигани, келиб-келиб газета-журналларнинг қўлдан-қўлга ўтиб, туянинг баҳосида ўқувчига етиб бориши. Чўнтагидаги пули ўзи истаган нашрни сотиб олишга етмаган

нидан газета ёки журнал ўқиёлмаганлар қанча? «Маърифат» тарқатувчиларнинг эса бу билан икки пуллик иши йўқ.

Энди бозордаги «маънавият»га эътибор берайлик. Тўғри, айрим газеталарда ақлли ва эҳтироси кучли муштарийлар учун кроссворд, сканвордлар, яна японларнинг қизиқарли ўйинлари берилгани харидор эътиборини тортади. Уларга гап йўқ. Бироқ... Жуда кўп тилга олинган, Москвада нашр этиладиган «Спид-инфо» газетасининг бир неча сонларини кўздан кечирдик. Кўрганлар бордир, кўрмаганлар эса яхшиси... «Криминал» деган рангли журналсифат газетанинг ҳам бозори чаққон экан. Уни бир кўришдаёқ кишининг эти жунжакади. Турли ваҳшиёна ўлимлар билан боғлиқ «ужас» фильмлари (чунки суратли-да) ёлга тушади. Беихтиёр «бундай нашрларни кўрган, ўқиган мухлис, айниқса, ёшлар, ундан қандай хулоса чиқаради», деган ўй-фикр ўтади хаёлингиздан.

Яна ғала-ғовур эътиборингизни тортади:

— «Спид»ингиз кўпми...
«Лиза» неча пул?
— «Версия» беринг. Арзон қилсангиз, ҳаммасини оламан.
— Иссиққина манти бор, «домашный».

Хўш, бу беҳаё суратли газета-журналлар Ўзбекистонга қандай кириб келяпти? Шу саволга жавоб топиш учун

сотувчи аёллардан бири билан қилган суҳбатимиз куйидагича кечди. У аввал «фирменный секрет» деб сирини очгиси келмади. Бироқ, яхши сўз билан илон инидан чиқади деганлари рост экан.

— Ҳозир бизнес билан шуғулланмасангиз, яхши яшай олмайсиз, — дейди у.

— Ҳа, мана бу газета-журналлар бизнес манбаингиз, шундайми?

— Албатта.

— Уларни қандай олиб келасиз?

— Булар чоп этиладиган Москва, Владимир, Новгороддаги нашриётларга олдиндан пул тўлаб келамиз. Мол тайёр бўлгач, махсус курерлар уни Ўзбекистон-Қозғистон чегарасидаги «Черняевка» божхона постига етказишади. Шу ерда яна озгина «мулла жиринг»нинг баҳридан ўтамиз. Ва «товар» қўлимизда. «Кли-

суратлар, сарлавҳалар билан «безанган» газета-журналлар билан бемалол олди-берди қилишяпти-ю, бизнинг назаримизда бу икки жинс ўртасидаги ИБО пардаси кўтарилгандек. Қўли-қўлига тегмай савдони гуллатаётган аёлларни ҳам бу нарса мутлақо қизиқтираётгани йўқ. Ибониям пулга қақишган кўринади улар. Кишини ўйлантирадиган ери шуки, нашрлар сотилгунга қадар мол эгасининг уйида ҳам «меҳмон» бўлади. Хўш, фарзандлар бу матоҳни кўрмаслигига ким кафолат беради? Биргина беҳаё газета ё журнал оиланинг ўзида отаона, ўғил-қизлар орасида қўлдан-қўлга ўтади. Тарбиянинг қайси бир жиҳатига тўғри келади, бу? Вақти келса, «ўғлим ё қизим бу кўчага қандоқ кириб қолди

ент»ларни кўпайтирганингиздан кейин тонг саҳардан бу ерга чиқишга ҳожат қолмайди. Уйда ўтириб, савдони қизитаверасиз.

Бозор оралашда давом этамиз. Кроссвордларнинг тури ва саноғига етиб бўлмайди. Ие, бунисини қаранг: «Спид-кроссворд». Тавба, деб ёқа ушлайсиз. Ушбу кроссворддаги жумбоқни ечиш учун қандай топшириқ берилганини ўзингиз ўйлаб кўраверинг.

Энди «Лиза»ни олинг. Ахир у модаларни тарғиб қилувчи журнал-ку, деб эътироз билдиришингиз мумкин. Тўғри, аммо уни варақласангиз қандай «мода» илгари сурилаётганини сезиш қийин эмас.

Эркак-аёл сотувчи харидорлар илк саҳифасидаёқ беҳаё

экан, ҳайронман, авлодимизда бундай беандиша ишлар бўлмагани, дея нола қилувчиларни ҳам кўп кўрганмиз. Айтинг-айтинг, бундай номақулчиликнинг юзи ҳар оиладан тескари бўлсин. Шу боис биз ғала-ғовурли, ибо-иффатдан нишона бўлмаган «бозор»га қилган норасмий рейдимизга мамлакатимиздаги нуфузли ташкилотлар — Солиқ ёки Божхона қўмитаси ходимларини аралаштирмадик. Улар ўзларига тегишли гапларни тезда илғаб олишларига имонимиз комил.

Умида ФАЙЗИЕВА,
Озод РАЖАБОВ,
Нўмонжон
МУҲАММАДЖОНОВ
(суратлар),

«Халқ сўзи» мухбирлари.

ЮРИДИК ШАХСЛАР ВА ҚОНУНЧИЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судида «Юридик шахслар» мавзусига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди. Юридик шахслар тўғрисидаги қонунчилик ва у билан боғлиқ масалаларга бағишланган ушбу тадбир Олий ҳўжалик суди ҳамда Германия техник ҳамкорлик жамиятининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судини қўллаш» дастури доирасида ташкил этилди. Мазкур дастур Германия Федератив Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида 1998 йилнинг 15 октябрида Бонн шаҳрида имзоланган молиявий ҳамда техник ҳамкорлик тўғрисидаги давлатлараро музокараларнинг якуний баённомасида кўзда тутилган эди.

Семинарни Олий ҳўжалик суди раиси М.Абдусаломов бошқарди.


Анжуманда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг алоҳида боби юридик шахсларга бағишланган бўлиб, унинг моддаларида юридик шахс тушунчаси, юридик шахслар турлари, ҳуқуқий лаёқати тушунчалари, ташкил қилиш, ўзгартириш ва тугатиш тартиблари ҳамда шу билан боғлиқ бошқа жиҳатлар аниқ кўрсатиб берилган.

Ҳўжалик судлари Конституция ва «Судлар тўғрисида»ги қонунга мувофиқ турли мулк шакллари асосида ташкил қилинган бўлиб, ҳозирда фаолият кўрсатаётган юридик шахслар ўртасидаги иқтисодий низоларни кўриб чиқади. Корхоналарнинг ягона давлат реестри маълумотларига кўра, иқтисодиёт соҳасида рўйхатдан ўтган субъектларнинг сони йил бошида 178,3 мингтани ташкил этган. Шундан 159,7 мингтаси нодавлат юридик шахслар ҳисобланади. Ҳўжалик судлари томонидан жорий йилнинг тўққиз ойи давомида юридик шахслар иштирокида 23 мингтадан зиёд иш ҳал қилинган.

Семинар қатнашчилари Бремен университети профессори Р.Книпер ва бошқаларнинг юридик шахслар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, уни янада такомиллаштириш, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтқи. лш, қайта ташкил қилиш ва тугатишга оид маърузаларини тингладилар.

(ЎЗА)





600 йил аввалги жасад

Яқинда Покистоннинг Белужистон вилоятида қадимий мўмийланган жасад топилди. Шуниси қизиқки, нодир топилма мамлакат олимлари билан бирга полициячиларни ҳам қизиқтирмакда. Олимлар Форс маликасининг жасадини мўмийлаш технологиясини эрамиздан 600 йил аввал Эронда қандай пайдо бўлган, деган саволга жавоб изласа, полициячилар топилгани 10 млн. долларга сотиш учун харидор излаб юрган 2 нафар ишбилармонни сўроқ қилиш билан овора.

Мўмийланган жасад таркибида мис аралашган, олтин билан безатилган материалга ўралган. Маликанинг бошида олтиндан ясалган тож ҳам бор. Олимларнинг фикрича, маликанинг ёши 18 ларда бўлиб, у шоҳ оиласига мансуб бўлган.

Сув балосидан сақла

Шу кунларда саноат ишлаб чиқаришнинг таъсири туфайли сайёрамизда об-ҳаво тобора исиб бормоқда. Ҳарорат исииши натижасида эса, океанларда сув сатҳининг кўтарилиши юз бермоқда. Оқибатда океанларга туташ мамлакатлар ҳамда оролар ҳудудининг бир қисмини сув босиши хавфи пайдо бўлаёттир. Бу ҳолат айниқса, Тинч океанига туташ мамлакатларда кўпроқ сезилмоқда. Олимлар фикрича, асримиз давомида бу мамлакатлар ҳудудий қисқаришни бошдан кечиради. Ўз ўзидан маълумки, ҳудудий қисқариш давлатлар иқтисодига салбий таъсир этади.

«Гримпс» халқаро атроф-муҳитни асраш ташкилоти фаолларидан бирининг таъкидлашича, Тинч океанидаги табиий офат оқибатлари ҳатто 1973 йилги нефть инқирози туфайли ҳақон иқтисодий зараридан ҳам ошиб кетиши мумкин.

«Коул» уйга қайтмоқда

Террористлар томонидан Аден бандагроҳида портлатилган АҚШнинг «Коул» ҳарбий кемаси Норвегиянинг «Блю Марлин» юк кемаси тиркамасида уйга қайтмоқда. АҚШ ҳарбий денгиз кучлари вакиллариининг маълум қилишича, «Коул»ни Аден кўлтиғидан Африка соҳиллари бўйлаб, Американинг шарқий қирғоғига олиб келгунга қадар қарийб беш ҳафта кетади. Бунинг учун Пентагон «Блю Марлин» кемаси хўжайини бўлган Норвегия компаниясига 4,5 миллион доллар тўлайди.

Воқеалар, тафсилотлар, рақамлар

Барак ва Арафот даъвати

Исроил Бош вазири Эҳуд Барак ва Фаластин раҳбари Ёсир Арафот осейишталикни тиклаш даъвати билан ўз халқларига мурожаат қилди. Кун кеча Ё.Арафот ва Исроил минтақавий ҳамкорлик вазири Шимон Перес ўртасида зўравонликни тўхтатиш борасида эришилган келишувни ҳаётга татбиқ этиш учун ҳар икки раҳбар шундай йўл тутди.

Мазкур шартномага кўра, Исроил армияси Фаластин шаҳарларидан ўз танк қисмларини олиб чиқишни бошлади ва бу ердаги қамални тўхтатди. Фаластин полицияси эса мухториятда норозилик чиқишларининг олдини олишга ҳаракат қилмоқда. Яқин кунларда икки халқ дўстлашса, ажаб эмас.

Музокаралар ўтказилмайди

Россия ракетага қарши мудофаа тизимини чеклаш ҳақидаги шартномани қайта кўриб чиқиш масаласида АҚШ билан ҳеч қандай музокаралар ўтказмайди. БМТ Бош ассамблеясининг биринчи кўмитаси мазкур шартномани сақлаш ва унга риоя қилиш масаласида резолюция қабул қилганидан сўнг Россия ташқи ишлар вазириининг ўринбосари Сергей Оржоникидзе шундай деди.

Хукумат истеъфога чикди

Африка жанубидаги мўъжаз давлат - Малави президенти Бакиди Мулузи мамлакат ҳукуматини тўла таркибда истеъфога чиқарди. Ҳокимиятнинг олий органларидаги коррупция юзасидан бир неча ойдан буён давом этаётган тортинувлар натижасида шундай қарор қабул қилинди. Б.Мулузининг буйруғи билан ҳукумат ваколатлари вақтинчалик президент маъмуриятига юклатилди.

«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.

Маликанинг нархи 10 миллион

Оқ уй соҳибни ким бўлади?

Қобилбек КАРИМБЕКОВ,
сиёсий шарҳловчи.

Шу кунларда америкаликлар президентлик сайловлари арафасида туришибди. Анъанага кўра, бу мамлакатда ҳар тўрт йилда бир бор президент сайловлари ўтказилиб, ушбу сиёсий тадбир ноябр ойининг биринчи сешанбасида бўлиб ўтади.

Дунё миқёсида АҚШдаги президент сайловларига катта қизиқиш билан қаралиши тасодифий эмас. Чунки, уни бу мамлакатнинг жаҳонда тутган ўрни беқиёс, хусусан, дунёдаги энг йирик ташкилот — БМТнинг бош қароргоҳи АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида жойлашганлиги, БМТ, ЕХХТ, НАТО ва бошқа халқаро тузилмалардаги тутган салоҳияти шундан далolat берали.

АҚШда Президент катта ҳуқуқий ваколатларга эга бўлиб, у ҳукумат аъзоларини ҳам ўзи тайинлайди. Мамлакатда қонун чиқарувчи олий орган — АҚШ Конгресси бўлиб, Республикачилар партияси ва Демократик партия ҳокимият учун курашадилар. 1980, 1984 ва 1988 йилларда ўтказилган Президент сайловларида Республикачилар партиясининг номзоди галаба қозонган бўлса (икки бор Рональд Рейган ва бир марта Жорж Буш), 1992 ва 1996 йиллардаги сайловларда эса демократлар вакили Билл Клинтоннинг кўли балинд келди.

Хўш, бу галги сайловларда ким кўпроқ овоз олади? Аввало, шунга айтиш керакки, АҚШда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир киши номзодларнинг дастури билан танишиб чиқади, уларнинг ҳақиқий имкониятларини чуқур ўрганади. Сайловчилар мамлакатнинг миллий хавфсизлигини таъминлай оладиган, фуқароларнинг моддий-ижтимоий шароитларини, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари-ю эркинликларини кўпроқ ҳимоя қила оладиган номзод учун ўз муносабатини билдиради.

Албатта, ҳозирги курашда қатнашаётган иккала номзод (Альберт Гор ва Жорж Буш) ҳам бўш келадиганлардан эмас. Лекин улардан бири кучлироқ, жиддийроқ, галаба қозониш учун старли асосга эга бўлган, пухта ишланган да-

стури бор ва қолверса, ўз кучига ишонган номзод бўлиши мумкин. Кичик Жорж Буш мамлакатдаги идорани республикачиларга қайтариш учун (унинг отаси собиқ Президент Жорж Буш 1992 йили жуда кичик фарқ билан Билл Клинтондан енгилган эди), астойдил кураш олиб бормоқда.

Жорж Буш ва Альберт Гор иштирокида ўтказилган телемулоқотларда ҳар икки номзод ҳам аҳоли-

мой таъминот тизимини тубдан ислоҳ қилиш масаласида ҳам номзодларнинг илгари сураётган назарий хулосалари бир-бирига тўғри келмапти. Маълумки, бу соҳа ўта мураккаб бўлиб, унга оилани ижтимоий муҳофаза қилиш, нафақалар муаммоси, қариялар билан боғлиқ бўлган масалалар кирази.

Таълим-тарбия масаласи, умуман маориф соҳасидаги амалга оширилиши керак бўлган муаммолар хусусида ҳам қарашлар турлича эканлиги яққол сезилди. Мамлакат қуролли кучларини ислоҳ этиш соҳасидаги вазибалар, шу жумладан, молиявий сарф-харажатлар бўйича жиддий тортинувлар бўлди. Ҳозир АҚШда 1 миллиондан ортқ қуролли кучлар бор. Буларнинг сайловдаги иштироки ҳам кўп нарсани ўзгартира олади. Кузатишлар шундан гувоҳлик



нинг моддий-турмуш шароитларини яхшилаш ва бу мақсад йўлидаги ўз режаларини баён қилишди. Дастлабки телемулоқотда кичик Бушнинг омади чопмагандек туюлди. Аммо телемулоқотларнинг кейинги даврасида Жорж Буш Альберт Горни анча-мунча шошилтириб қўйди. Жумладан, республикачилар вакилининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги фикрлари, ташқи сиёсат масалаларидаги қарашлари амалдаги вице-президент Альберт Горнинг сайловдаги дастуридан анча фарқ қилади.

Кичик Жорж Буш Клинтон маъмуриятини кескин танқид қилар экан, солиқ тизимидаги камчиликлар-у Оқ уй бошлигининг «ишқий саргузаштлари» гача бўлган масалаларда ўз қарашини баён қилди. Вашингтон маъмуриятининг Болқон, Яқин Шарқ, АСЕАН минтақасидаги сиёсати борасида ҳам Буш билан Горнинг қарашлари анча тафовут бор. Ташқи сиёсат борасида Россия, Марказий Осиё, Хитой, Ҳиндистон, Куба билан алоқалар катта аҳамиятга эгаллиги таъкидланди. Айниқса, Америка — Россия муносабатларининг долларлиги айтиildi. Бироқ, Россия билан ўзаро муносабатларда Гор ва Бушнинг дунё қарашини бир-биридан анча фарқ қилаётганлиги аён бўлди. Ижти-

бермоқдаки, бўлажак сайловларда ҳар икки номзод ҳам тенг имкониятга эга. Альберт Гор бордию, сайловларда галаба қозонса, Жозеф Либерманни вице-президент лавозимида бўлишини айтганлиги ҳам унинг имкониятларини сезиларли даражада мустаҳкамлади. Бунинг сабаби Либерманнинг катта ҳаётий тажрибага эгаллиги, АҚШда ўзининг қатъий мавқеи, нуфузи борлиғидир. Жорж Буш томонидан Дик Чейни номзоди вице-президент лавозимида илгари сурилганлиги ҳам 7 ноябрдаги сайловларда ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Чунки, Чейни ҳам Америка дунёсидаги анча бообру сиёсатдонлардан бири ҳисобланади. У 80-йиллар ва 90-йиллар бошларида АҚШ мудофаа тизимида катта ислоҳотларни амалга оширганлиги билан республикачилар партияси олдида обрў қозонган.

Шундай қилиб, 7 ноябр кунини АҚШ сайловчилари икки номзоддан бирига овоз бериб, янги асра янги, ҳисоб бўйича 43-Президент билан кириб борадилар. Бу ким бўлиши мумкин? Техас штатининг губернатори Жорж Бушни ёки ҳозирги вице-президент, демократ Альберт Горми? Табиийки, Оқ уйнинг янги соҳибни келатган сешанба кунини аниқ бўлади.

Бугунги Нью-Йорк



«Эколот» лотереялари — омад калити

Шу йилнинг 27 октябр куни роппа-роса соат 15-00 да пойтахтимизнинг марказидаги Сайилгоҳ кўчасида ҳамшаҳарларимиз кўз ўнгида ва бевосита иштирокида қизиқарли бир тадбир ўтказилди.

Йиғилганларнинг олқишлари остида «Эколот» қўшма корхонаси раҳбарлари икки нафар омадли инсонга «Нексия» енгил автомашиналарининг калитларини топширди. Бу бахтли юртдошларимиз кимлар?

Танишинг: Бахтиёр Жўраев, Сурхондарё вилоятининг Ангор туманида яшайди.

— Мана, уч ойдан буён

«Эколот» лотереяси ишқибозиман. Бу лотереяни деярли ҳар куни ўйнаб тураман. Шу йилнинг 4 октябр куни менга омад кулиб боқди, «Нексия» автомашинаси ютуғи чиқди лотереямга, — дейди у.

Иккинчи бахтли одам, бу — Самарқанд шаҳри фуқароси Олим Мавлонов.

— «Эколот» лотереясини 5 йилдан буён мунтазам ўйнаб келаман, — дей-

ди О. Мавлонов. — Шу йилнинг 1 октябр куни «Эколот»нинг 200 сўмлик «Хазиналар ороли» лотереясини ўйнадим. Тўрттасини ўйнадим — ҳеч нарса чиқмади. Бешинчиси... менга омад бағишлади. Мана, «Нексия»ли бўлиб турибман.

Сайилгоҳда «Эколот» лотереяси ютуқларини эгаларига топшириш маросимини «Эколот» қўшма корхонаси бош директори муовини Забиҳилла Абдураazzoқов бошқарди. Тадбир пайтида у шундай деди:

— Роппа-роса бундан уч ҳафта олдин худди шу манзилда 2 нафар «Эколот» лотереяси ютуқлари соҳибига «Нексия» енгил автомобилларини тақдим этган эдик. Бугун яна 2 нафар юртдошимизни ана шундай ютуқлар билан муборакбод этаймиз. Биз, «Эколот» қўшма корхонаси ходимлари мамнунмиз. Уюштираётган тадбиримизнинг ҳосили, мевалари бу қувончлар ва қувончли дамлар!

Сўнгги 6 ой ичида қўшма корхонамиз 9 нафар «Эколот» лотереясидан ютганларга «Нексия» калитларини тутқазди. Лотереяларимиз фондида яна 15 дон



автомобил бор. Шунингдек, бир неча йирик пулли ютуқлар ҳам эгаларини пойлаб турибди.

Ихлосмандларга тилагимиз битта: кўпроқ «Эколот» лотереясини ўйнанг, сизга хилма-хил ва йирик ютуқларни атаганмиз. Энг катта ютуқлар — 500 сўмлик лотереялар ичида. Бу лотереяда 3 та суперютуқ бор, яни битта шундай лотереяни ўйнаб, омадингиз кулса, бира-тўласига учта автомобиль — «Тико», «Дамас» ва «Нексия» ютасиз!

Сизларга омад ёр бўлсин!



ХАНДА

Шифохонада

Бемор:
— Биласизми, ўрнимдан турсам бошим айланиб кетяпти.
— Қон босимингизни кўрайликчи...
— Ҳа, ўлчайди.
— Оҳо, жуда пасайиб кетибдику...
— Қанча?
— Юзга эллик.
— Энди нима қиламан, доктор?
— Ҳеч қиси йўқ, ишга чиққанингиздан сўнг бошлиғингизнинг икки-уч нордон сўзидан кейин қон босимингиз кўтарилиб, рисоладагидек бўлиб қолади. Мана, мени айтди дерсиз ўшанда.

«Йўловчи» автотранспорт суғурта компанияси ХЖ

ЧОПИК, ХАЙДОВ ТРАКТОРЛАРИ ВА БУЛЬДОЗЕРЛАРГА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР

СОТАДИ

«Олтой» А01, МТ 380, Т-28, К 701, Т130, Т150 ТРАКТОРЛАРИГА:

- Гильза-поршень гуруҳлари
- вкладишлар
- плунжер жуфтликлари
- пуркагичлар
- блок головкасининг прокладкаси
- НШ 100, НШ 50, НШ 32 насослари ва шу кабилар.

«МАЗ», КамАЗ, ЗИЛ-130, Г-24, Г-53

АВТОМОБИЛЛАРИГА:

- Гильза-поршень гуруҳлари
- вкладишлар
- плунжер жуфтликлари
- пуркагичлар
- ГБЦ прокладкалари
- ҳаво, ёнилги, мой филтёрлари ва шу кабилар

МАНЗИЛ: Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 6
(Тошкент шаҳар Йўловчи транспорт идорасида, Бош почта идораси ёнида).
Телефон: 133-04-09, 133-50-24, 133-65-16, 54-93-07.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

«XXI АСР»

деб аталган қисқа муддатли омонатни
таклиф этади

Омонатга пул 2000 йил 16 октябрдан 31 декабргача қабул қилиниб,
йилига 75% фойда тўланади (фоизлар ҳар ойда капиталлаштирилади)

Омонатни сақлаш муддати 2001 йил 5 январгача

«Сўм карточкаси» омонати
(пластик карточка қўлланадиган)
сўм карточкаси эгаларига ҳаёт ва саломатликни
бепоул суғурталаш имкони берилади

- йилига 36% фойда тўланади, ҳар
ойда талаб қилиб олинмаган фоизлар
капиталлаштирилиши натижасида
фойда йилига 42,6%ни ташкил этади

Шунингдек, муддатли омонатларнинг барча турлари бўйича фоиз ставкалари
жорий йилнинг охирига қадар оширилишини ҳам маълум қилади:

«Таътил» омонати (талаб қилиб олинмаган
ҳисобварақларга доир шартномалар ўз-ўзидан
давом эттириладиган, 3 ой муддатли).

- йилига 48%, ҳар ойда капитал-
лаштирилганида йилига - 60%

«Оқсоқол», «Меҳрибон она» (1 йил муддатли)

- йилига 37%

«Тўёна» (2 йил муддатли)

- йилига 42%

«Сарпо» (3 йил муддатли)

- йилига 43%

«Келажак» (камида 5 йил муддатли)

- йилига 36%

«Янги авлод» (муддати 2001 йил 3 январгача)


(МБнинг қайта молиялаш ставкаси бўйича).

- йилига 48%

«Муддатли» (5 йил муддатли)

- йилига 52%

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки — пулларингиз
гаромадлилиги ва сақланишига кафолатдир.




Қўшимча маълумот-
ларни Сиз
(998 71) 137-62-83,
137-62-81 рақамли
телефонлар
орқали ёки
«Ўзбекистон банк»нинг
инсталлан бўлим ва
филиалидан
олишингиз
мумкин.

Ўша кунни кечқурун Саудия Арабистони футбол бўйича Осиё Кубоги ўйинларининг финал қисмида тўп сураётган эди. Нима бўлдию кичкина қизчам кўпдан бери ўзи парваришлаб юрган қушчасининг қафасини очиб, қўйиб юборди. Қуш ўзини деразага, ёруғлик томон урди.

Шу сатрларни эслаб қолинг: биз мақоламиз сўнггида ҳали уларга қайтамиз.

Озод қуш ёруғликка интилади



Қодиржон СОБИРОВ

... Аслида ўша кунги тортишувимиз Россия телевиденисининг «Время» кўрсатувидадан кейин бошланди. Дастир сўнггида «ойна жаҳон» МДХ давлатларининг пойтахтларида об-ҳаво қандай эканлиги ҳақида ахборот бера бошлади: «Бишкекда 25, Тбилисида 22, Тошкентда 28 ва ҳ.к.» Шу пайт даврадаги дўстларимиздан бири ижирганиб қўйди:

— Биздаги об-ҳаво билан уларнинг неча пуллик ишлари бор экан? Ё ҳали ҳам бизни ўзларининг мустабиллари деб ўйлашптимиз?

Мен эътироз билдирдим:

— Бунинг нима ёмон томони бор? Балки ўша ёқдан кимдир биров бизга меҳмон бўлиб келаётгандир... Пальто-соябонини ўзи билан олиб келиши лозимми-йўқми, билиб олиши керак-ку ахир! Нафсиламбирини айтганда, об-ҳавонинг сиёсатга қанақа дахли бор?

— Э, сиз ҳам ўшаларнинг тарбиясини олгансиз! — қўл силтади дўстимиз.

Кўп ўтмай эса уй эгаси телевизорнинг дастагини бураб, Тошкентга олган эди, «Ёшлар» канали экранда дунёнинг турли-туман давлатлари пойтахтларидаги об-ҳаво ҳақидаги ёзувлар чиқа бошлади: «Оттава 18, Нью-Йорк 22, Қоҳира 34...»

— Мана бу давлатларнинг ҳам бизга тобе жойи йўқ, — жилмайдим мен — лекин у

ерлардаги об-ҳавони кўрсатяпмизку! Кўнгилни кенг қилинг, дўстим, мустақиллигимиз чегараси бундай нарсалар билан ўлчанмайди.

Ушбу мақолада бир неча йилдан бери мени қийнаб юрган бир мавзу ҳақида баҳс юритмоқчиман. Бу муаммо тарозисига ҳар ким ўзича тош қўйишига ҳам ақлим етиб турибди.

Республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, республикамиз Президенти Ислоҳ Каримов биз жаҳондаги ривожланган, илғор мамлакатлар қаторидаги ёруғ давлат қурамиз, дея жумлаи жаҳонга эълон қилди. Дарҳақиқат, юртимиз раҳбари бошчилигида олиб борилаётган жуда катта ишларнинг натижаси ўлароқ Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз қадр-қимматию салоҳиятини билган, ёрқин келажак сари интилган, замонавий давлат сифатида қад ростилай бошлади. Ҳозирги кунда жумлаи жаҳон Ўзбекистонимизни худди шу кўринишда эътироф этаётир. Лекин шундай деймизу, баъзан...

Ўтган йили бир танишимникида меҳмонда бўлиб, унинг 14-15 яшар қизчасига кўзим тушган эди. Кўғирчоқдай чиройли эди қизалоқ: гўзал, хушқомат, юзларидан нур ёғиларди. Яқинда эса яна ўша хонадонда бўлиб, бу қизчани ҳижобга ўралган, фақат кўзлари кўриниб турган бир аҳволда учратдим. У мактабидан мана шу кўринишда кириб келди.

— Мустақиллигимиздан айла-

най, — деди қизнинг онаси, — фарзандимиз энди ҳақиқий муслима бўлди.

— Наҳот аввал муслима бўлмаган бўлса? Сизлар мустақиллигимизнинг шарофатини бошқача тушунибсизлар-да... — дея олдим, холос.

Сўнгра эса ҳижобнинг аслида мусулмончиликка дахли йўқлиги, Арабистонда қум шамоллари кўп бўлишлиги, шу туфайли одамлар юз-кўзларини сурп билан тўсиб юришга мажбур эканлиги ҳақида

рилфунун дедик, аэропортни тайёрагоҳ... Иш ҳатто шу даражага бориб етдики, қайдадир бир жойда «ветеринар» сўзининг ўрнига «чорва молларининг ҳақими» деган ёзувга дуч келиб, қотиб қотиб кулганим ёдимда...

Хайрият, у чалама-чаккиликларнинг кўпидан қутулдик. Лекин баридан эмас. Ҳозир, масалан, «диктор» сўзи ўрнига «сухандон» ни ишлатяпмиз. Хўш, сухандон дегани нима ўзи? Келинг, бу ўринда «Ўзбек тилининг изоҳли

ва энг... халқмиз. Биз Темур, Улуғбек, Мангуберди, Бобур, Беруний авлодларимиз. Бизни асрлар давомида эзиб келганликлар учун ҳам тузукроқ рўёбга чиқолмагандик. Мана энди кўрсатиб қўямиз. Бизга жаҳонда тенг келадигани йўқ ва ҳоказо ва ҳоказо.

Анжуман қатнашчилари даврасида ноқулай, ўнғайсиз жимлик чўкди. Бу жимликни «Ташкентская правда» газетасининг муҳаррири Аъло Хўжаев бузди.

— Ҳамма айтганларингизга қўшиламан, домла, — деди ҳалиги кишига у ётиги билан тушунтиришга ҳаракат қилиб, — мен ҳам ўз халқимнинг гурурини бошқаларникидан паст қўймоқчи эмасман, албатта. Лекин ҳар бир нарсани одоб, андиша, истиҳоло меъёрлари бўлмоғи лозим, ёки шундай эмасми? Биз ана шу чегарадан чиқиб кетмаслигимиз керак. Бизнинг буюқлигимизни, ана ўша «энг... энг» эканлигимизни биз ўзимиз эмас, балки кўни-қўшилларимиз айтишсин. Ана унда бошқа гап бўлади.

Шу сўзлардан кейин кимдир қарсақ чалиб юборганим ёдимда...

Келинг, энди бироз мушоҳада юритиб кўрайлик.

Мақола бошида мен қизчам ўз қушчасини қўйиб юборганлиги ҳақида айтиб ўтган эдим. Ҳа, ўшанда қушча катакчасидан чиқдию уйнинг қоронғу бурчагига бориб яшриниб олмади, балки ўзини деразага, ёруғликка урди. Бунда, менимча, фалсафий маъно бор...

Яна бир нарсани Осиё футбол чемпионатида Саудия Арабистони ўйинчилари 2-ўринни забт этдилар. Холбуки, Ислоҳ динининг бешиги бўлган бу мамлакатда бир вақтлар футбол ўйнаш ҳам кўфр саналарди, зотан тўп одамнинг бошини эслатар эмиш ва бошни тепиш гуноҳ бўлармиш. Раҳматли катта бувим ёшлигимизда худди шу гапни кўп тақрорларди. «Тўп тепма, болам, гуноҳга ботасан!»

Аммо замон ўзгаряпти, шароит-вазият ўзгаряпти. Озод бўлган қушлар дераза ортидаги ёруғликка чиқиб олгач, ўзларининг кимлигини нималарга қодир эканликларини намойиш қилаёттирлар. «Қодир» сўзини ёздиму ўзбек халқининг фахри-ифтихори, олтин боксчимиз Муҳаммадқодир Абдуллаевни эсладим. Мустақиллигимиз қуш бўлиб ёруғликка интилмаганида ўз қобилигимиздан чиқолмай юраверганимизда андижонлик оддий шофёрнинг ўли Ўзбекистонни бутун жаҳонга танитиш учун имкон топа олармиди? Йўқ, у куёшли Ўзбекистоннинг эмас, балки қуроқ, шакли-шамойили йўқ катта бир империянинг номсиз-насабсиз кичик бир спортчиси бўлиб қолавермасмиди?

Мустақиллик бизга жуда катта, олтиндан қиммат имкон-ёруғлик сари интилишимиз имконини яратиб берди. Давлатимиз келажак, фарзандларимизнинг бахти-истиқболи биздан фақат олға қадам ташлашимизни, барча дунёвий мамлакатлар билан бир қаторда бўлишимизни талаб қилади. Шу нарсани асло унутмайлик.

Радио дегани «Овоз нигор» дегани эмас-да, биродар!

«сўз устаси» маъносини билдирар экан. Лекин диктор сўз устаси бўлмайди, шунинг унутмайлик. У фақат муҳаррират эзиб берган матни ўқийди, холос. Диктор бу Англияда ҳам диктор, Янги Каледонияда ҳам... Ҳақиқий сухандон деганларидега эса мен таниқли сўз устаси марҳум Убай Бурҳоновларга ўхшаш истеъдод эгаларини кўз ўнгимга келтираман.

Баъзан, қилаётган айрим ишларимизни кўриб ҳайратдан ёқа ушлаб қоласан ва ўз-ўзинга савол берасан киши: наҳотки мустақиллик бизга тараққиёт йўлидан орта бурилишимиз учун инъом этилган бўлса?

Халқимизга камтаринлик азалдан йўлдош. У ҳеч қачон манманликка берилмаган, ўзини бошқалардан юқори қўймаган. Ўзининг кимлигини у қуруқ сўзи билан эмас, балки амалий иши билан кўрсатиб қўйишга одатланган. Биров уни мақтайдиган бўлса, бошқаларга қўшилиб қарсақ чалишга эмас, балки одобли болаларга ўхшаб, бошини қуйи солиб туришга одатланган. Шу нарсани ўйладиму бир воқеа ёдимга тушди.

Бундан тўрт йил муқаддам республика Байналмилал дўстлик марказида Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ва халқ ҳаракати раҳбарларининг анжумани бўлиб қолди. Бир пайт ўзимизнинг ўзбеклардан кимдир халқимизни шу даражада кўкка кўтариб мақтай бошладики, унинг сўзларидан ўзбек бўла туриб мен ҳам ўзимни ўнғайсиз сезиб қолдим. Биз дунёдаги энг қадимий, энг кучли, энг донишманд, умуман энг... энг..

«Чандир»да чайналган ҳайдовчилар

Бухоро вилоятининг «Чандир» мунтазам ДАН масканида хизматни ўтаётган милиция ходимлари Сурхондарё-Нукус йўналиши бўйича ҳаракатланаётган «ВАЗ 2106» русумли давлат белгиси 22 С 21 37 бўлган автомашинани тўхтатиб синчковлик билан текширадилар. Шу дам ушбу автомашина юкхонасининг остки қисмига янги мум суртилганлиги уларда шубҳа уйғотди.

Бўйинда айби борнинг оёғи қалтирайди, деганларидек, ҳайдовчи Ражабали Сатторов ва ёнида кетаётган йўловчи Ҳайдар Боймирзаевлар милиция ходимларининг дастлабки саволлариданоқ каловланиб қоладилар. Чунки автомашина юкхонаси кўздан кечирилганда у ерга 35 ўрамдаги жами миқдори 26 килограмм 434 грамм бўлган кучли таъсир этувчи «героин» гиёҳванд моддаси устамонлик билан яширилганлиги маълум бўлади.



**ЖИНОЯТ
ЙҮЛИ ТҮСИЛДИ**

Ошқозондаги оғулар

Бухоро шохбекати тармоқ ички ишлар бўлими ходимлари яқинда 224-сонли «Душанбе-Москва» йўловчи поездининг 10 вагонига кетаётган йўловчи Тожикистон Республикасидаги Шайнаки Варзобеко жамоа хўжалигида яшовчи Алишер Самандаровдан гумонсирашиб, тиббий кўрикдан ўтказишди. Кўрикда унинг ошқозонига гиёҳванд модда ютиб олганлиги аниқланди. Шундан сўнг Алишернинг ошқозонидан 92 дона елим халтачага ўралган 426 грамм героин моддаси чиқариб олинди.

Шу кунни ушбу поездининг 8 вагонига сафарга кетаётган Тожикистоннинг Варзоб жамоа хўжалигида яшовчи Муродали Қаршиев ҳам ички ишлар ходимлари диққатини тортади. Муродалининг бежо ҳаракатидан гумонсираган жиноят қидирув бўлими ходимлари уни ҳам текшириб кўришганида 399 граммга яқин миқдордаги героинни 34 дона елим халтачага ўраб, ютиб олганлиги маълум бўлади.

**Ш. РҮЗИЕВ,
МИЛИЦИЯ КАПИТАНИ.**

Ойнаи жаҳонда

ДУШАНБА 6

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.45 «Тахлилнома».

8.45 ТВ-маркет.

8.50 Лирик тароналар.

9.20 ТВ-метео.

9.30 «Узлик». Бадий-публицистик кўрсатув.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР

10.05 «Олтин тоқ». Телевизион ўйин.

10.30 «Киник оролдаги саргузаштлар». Бадий фильм.

11.35 Т. Жалилов номдаги халқ чогулари оркестрининг концерти.

12.05 «Соғлом авлод - бу бизнинг келажигимиз».

12.35 ТВ-метео.

12.45 «Оталар чойхонаси».

13.45 Телеанонс.

14.10 Ж. Мольтер. «Учар табиб». Ёш томошабинлар театрининг спектакли.

16.00 «Иш биланга минг танга».

16.45 «Суоюнчи». Бадий фильм.

17.55 ТВ-маркет.

18.10 Болалар уюми. «Гулгунчалар».

18.25 ТВ-патруль.

18.35 «Тафсилот».

18.50 «Бахтли воқеа».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 «Ахборот».

21.05 «Дунё кезган наволар». Ўзбекистон халқ артисти Т. Сайфуддинов.

21.35 «Экспедиция». Телесериял. 28-қисм.

22.25 «Тарих ва тақдир».

22.45 «Футбол шаҳри».

23.00 «Мана янги» дастури.

23.35 «Ахборот».

00.10 «Буёқ йили». Бадий фильм.

1.25-1.30 «Ватан тинчликлар».

YOSHLAR

Телетомошабинлар диққатига! Профилатика муносабати билан душанба, 6 ноябр «Ешлар» телеканали соат 18.00 бошланади.

18.00 Кўрсатувлар дастури.

18.05 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус», «Мультимоша».

18.40, 22.30 «Муслиқий лаҳзалар».

18.55, 21.55 «Иқлим».

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 «ТВ-анонс».

19.35 «Ўзбекистон кўраши».

19.55 Танишинг: Мансурхон Нурматов.

20.10 «Қишлоқдаги тенгдошим».

20.30, 21.05, 22.30 ЭЪЛОНЛАР

20.35 «Сардор». Кўп қисмли бадий фильм 1-қисм.

21.10 «Ешлик қўшиқлари».

21.25 «Ешлар овози».

21.45 «Олтин мерос».

22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.40 «Даллас». Телесериял.

23.25 «Давр». Ахборот дастури.

23.40 «Ешлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.

1.10-1.15 «Хайрли тун».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00, 20.00, 22.30, 00.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.

18.25 «Авто-лени».

18.40 ТВда сериал: «Қора дур доналари».

19.25, 20.25 «Табриклиймиз-кутлаймиз».

21.10 «Омад» тележурнали.

21.30 «Экспресс» телегазетаси.

21.45 ТВда сериал: «Машхур ва бадавлат одамлар».

22.55 Оқанлар ва эълонлар.

23.00 Кинонихос, «Сўнги орол».

00.55-1.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

15.50-16.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

16.50 Кўрсатувлар тартиби.

16.55 Мультичарпалак.

17.10 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.

17.15 Олег Борисов. «Ет элмоним учун». Кўрсатуви Л. Филатов олиб боради.

18.00 «Вести».

РЖТ

18.30 Шон Коннори ва Николас Кейж «Қоя» фильмида.

21.00 «Время».

ЎзТВ-М

21.40 «Бизнес-ревию».

21.50 «Муҳаббат тарихи». Сериал.

22.45 «ТВ-4 да Немис тўлиқи».

23.00 «Клип-антракт».

23.10 Кинематограф. «Плезантвил». Бадий фильм.

00.55 Ахборот» (рус тилида)

1.20 «Тунингиз осуда бўлсин».

30

Соат 18.00 га қадар профилатика.

18.00 Дастурнинг очилиши.

18.05 «Телехамкор». Фойдали газета.

18.35 «Сейлормун». Мультсериял.

19.00 «Қалблар кироличаси». Телесериял.

19.50 «Ошиқона». Муслиқий дастур.

19.55 «Телехамкор». Фойдали газета.

20.25 «Клип-совға». Телетабриқнома.

21.25 Метеохабар.

21.30 «30-канал» кинооқшоми. «3 ўра-вонлиқнинг тугатилиши». Детектив (АҚШ - Германия).

23.15 «Хамма Реймондни севади». Ҳажвий сериал (АҚШ).

8.00, 10.00, 15.00, 18.00 Янгиликлар.

8.10 «Альф» лойиҳаси» саргузашт фильмида қарамонни ўйрашмоқчи».

10.10 Смак.

10.30 Е. Петросяннинг қулги панорамаси.

11.05 Кундузи сеанс. «Иф қалъасининг мақбул».

12.25 Йил қўшиқлари.

12.55 - 15.15 П. Отул ва О. Шариф «Арабистон Лоуренси» киноафсонасида.

17.15 «Эшларни учун...» О. Борисов, Л. Филатов олиб боради.

18.15 «Аралаш-қуралаш» журналидаги кўвонч воқеалар.

18.30 Ш. Коннори ва Н. Кейж «Қоя» афсонавий жанри фильмида.

21.00 «Время».

21.40 С. Крамаров, Р. Вильямс «Москва Гудзонда» комедиясида.

23.50 «Футболда» В. Гусев билан.

0.40 Ч. Шин «Келиш» фантастик триллерда.

7.30 «Яшасин таътиллар». «Мобби Дик» бо-

лар урун фильм.

10.00 «Хайрли тонг, юртим!»

10.50 «Юзга бир» телеўйини.

11.35, 18.45 «Ўз-ўзига режиссёр».

12.05 «Дўстлар-III» комик телесериали.

12.35 «Олтин қалит».

12.55 «Коммиссар Рекс» телесериали.

14.00, 20.00 «Вести».

14.20 Кундузи сеанс. А. Петренко, В. Бариннов, А. Демьяненко «Миллионлар учун ўйин» комедиясида.

16.30 Бизнинг тарих. И. Беляевнинг «Рус феодал» ҳужжатли фильми премьераси.

«Брежневга қарши исён».

17.10 «Америка билан сўхбат: Ж. Буш ва А. Гор».

17.45 Менинг оилам. «Севганлар ва севилганлар».

19.15 «Шаҳарча»-ретро кўнгилоқлар дастури премьераси.

20.20 «Файратли жамоа». М. Задорнов концерт дастури.

22.25 Кечки сеанс. Премьера. Ж. Траволта ва Э. Томсон «Ассосий ранглар» фильмида.

1.05 «Футбол + ТВ» А. Вайнштейн билан.

8.50 «ТВ-6 кинотеатри». Ж. Руссо, Айс-Ти «Хаваддо қуршо» жангари фильмида.

10.35, 23.45, 3.55 Йил назорати.

10.50 Кундан-қунга.

12.25, 18.45 Теледукон. «Харидингиз учун раҳмат».

12.45 «Хамма боққа».

13.15 «Муҳаббат ҳақида».

13.45 «Ҳафта халокатлари».

14.45 «Ўз ўйини».

15.15 «ТВ-6 кинотеатри». «Иссик пулчалар» комедияси.

17.00 Янгиликлар.

17.15 «ТВ-6 кинотеатри». «Доктор войжоним»

18.30 «Пингвинлар» мультфильми.

19.00 ДИСК-канал.

20.10 Премьера. «ТВ-6 кинотеатри». «Дидла билан бирга» комедияси.

22.00 «Шу куннинг воқеалари».

22.30 «Сиз шохидис» И. Усачев билан.

22.15 Премьера. «ТВ-6 кинотеатри». Ф. Загаринно, Ж. Фейки «Эртанги кун ҳеч қачон келмайди» жангари фильмида.

1.35 «Чайка» театр фестивали кундалиги.

1.55 «ТВ-6 кинотеатри». «Хаммаси ўзаро муносабатда» комедияси.

8.00 Бизнинг кино. Б. Чирков ва М. Ладичина

«Антоша Рибкин» комедиясида.

8.50 Сериал. М. Пореченков «Миллий ҳафти» сизлик агенти. Эфиргана уч кун.» жангари фильмида.

9.45 «Ваня ва тимсох» мультфильми.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00, 21.00, 0.00 Бугун.

10.20 Кеча «Яқунлар» да.

11.45 Кўнгилоқлар.

12.20 Бизнинг кино. Г. Польских ва П. Вельминов «Тунги ҳодиса» детективда.

14.30 «Яқунлар» В. Шендерович билан.

14.55 Бизнинг кино. В. Толоконников, Е. Евстигнеев, Б. Плотников ва Р. Карцев В. Бородкиннинг «Ит қалби» фильмида. 1-2-қисмлар.

17.25 «Дори номасиз».

18.25 «Эски телевизор» тақдим этади: «Россия XX аср. Хокимиятга назар».

19.50 НТВда премьера: «Россия империяси» Л. Парфенов фильми.

21.35 НТВда премьера: О. Меньшиков, С. Бонназар, С. Бодров-кичик, Т. Догилева, Б. Ступка ва К. Денев Р. Варьянин «Шарқ - Фарб» фильмида.

0.40 НТВда премьера: «Ақлсизлар учун катта» комедияси.

2.30 «Антропология». Д. Дибров дастури.

9.00, 19.10 «Енуглар» мультсерияли.

9.30 «Бабар» мультсерияли.

10.00 «Симпсонлар» мультсерияли.

10.30 «Монитор» Интернет янгиликлари.

10.45 «Кассандра» телесериали.

11.40 «Кўнгилоқ қила туриб томоша қил»: голиб-фильм.

13.30, 16.30, 3.15 Янгиликлар.

13.45 Телеспецаз.

14.10 «Иллизия». Т. Пауэр «Суз» тарихий-саргузашт мелодрамасида.

16.00 Харбий сир.

16.45 Теледукон.

17.15, 22.00 Тасодифий гувоҳ.

18.00 «Қора хона». Бадий фильмлар туркуми.

18.40 «Бошқа сайёраликлар» мультсерияли.

19.35 «Тўлқин киррасида» телесериали.

21.00 «Гресия» телесериали.

22.30 «Шарқ» ахборот канали.

23.30 «МЭШ» комик сериали.

00.00 «Уни Никита деб атардилар» телесериали.

1.00 «Кино»: Ж. Айронс «Калитан кўнгилоқ» драматикаси.

9.00 «Яшил илтонли пакана» мультфильми.

9.15, 21.50 Кўрсатувлар дастури.

9.20 Мультпарад. «Доймовоқча».

9.50 «Нимадан? Нимага?» Болалар дастури.

10.45 Кинотаяттилар. «Нўхотдаги малика» эртақ фильми.

12.10 Эзгулик астафетаси.

13.00, 16.00, 0.30 «Воқеалар».

13.15 «Шоҳона ўйинлар» дам олиш дастури.

13.45 Совет детективи. «Қора шаҳарда».

15.25 «Табассумла меҳмонга» дам олиш дастури.

16.15 «Мурзилкнинг саргузаштлари» мультфильми.

16.35 «Менинг Россиям». Л. Ромина куйлайди.

17.30 ТВ-Марказда премьера. «Соҳилдаги ўйин».

18.00 «У ушланди», «Мумкин ва мумкин эмас» мультфильмлар.

18.30 Эшиқонинг оқинг полиция! «Жули Леско» телесериалида ўлимга маҳкум қилинганлар камераси.

20.30 «Савёлиқда» бадий фильм.

22.25 Ю. Маминнинг «Фавора» комедияси.

0.20 Об-хаво.

0.45 «М.Танич: «Лесоповал» билан 10 йил». Концерт дастури.

2.20 Соқон тун. «Дўст топсанг - бойлик топсанг» бадий фильми.

6.30, 14.00 «Фқаро кийимидаги ҳарбийлар» сериали.

7.00 «Марисоль» сериали.

8.00 «ТелеБом» кўнгилоқ шоуси.

8.30 Сериал. «Каменская. Улим йўлида ўлим», 4-фильм. 2-қисм.

9.35 «Икки ўртоқ хизматда». Режиссёр: Е. Карелов. Ролларда: О. Янковский, Р. Биков, В. Висоцкий, И. Саввина, А. Паганов, А. Демидова.

11.40 Валерия... «...билан учрашув».

12.30 Номаълум сайёра.

13.00 Суперхоккей. МХЛ ҳафталиги.

15.00 «Хайвонлар ҳуқорони» сериали.

16.00 «Музда югурувчи» драматика. Режиссёр: Б. Самсон. Ролларда: Э. Альберт, В. Вонг, О. Кабо, Е. Лазарев, А. Кузнецов, Б. Хоффман.

18.30 «Ляпис Трубецкой» гуруҳи... «...билан учрашув».

19.25, 23.10 «Улкан янгиликлар». П. Глобанинг мунажжамлик баҳорати.

19.30 «Жаноб рашк» мелодраматика. Режиссёр: Н. Баумбек. Ролларда: Э. Штоль, А. Шюорра, К. Айгеман.

21.50 НТНда мусика.

22.05 НТНда рестлинг.

23.15 «Тунги канал». «Ярим тундагилар учун».

7.30 «Яшасин таътиллар». «Мобби Дик» бо-

8.00 Бизнинг кино. Б. Чирков ва М. Ладичина

8.50 «ТВ-6 кинотеатри». Ж. Руссо, Айс-Ти «Хаваддо қуршо» жангари фильмида.

10.35, 23.45, 3.55 Йил назорати.

10.50 Кундан-қунга.

12.25, 18.45 Теледукон. «Харидингиз учун раҳмат».

12.45 «Хамма боққа».

13.15 «Муҳаббат ҳақида».

13.45 «Ҳафта халокатлари».

14.45 «Ўз ўйини».

15.15 «ТВ-6 кинотеатри». «Иссик пулчалар» комедияси.

17.00 Янгиликлар.

17.15 «ТВ-6 кинотеатри». «Доктор войжоним»

18.30 «Пингвинлар» мультфильми.

19.00 ДИСК-канал.

20.10 Премьера. «ТВ-6 кинотеатри». «Дидла билан бирга» комедияси.

22.00 «Шу куннинг воқеалари».

22.30 «Сиз шохидис» И. Усачев билан.

22.15 Премьера. «ТВ-6 кинотеатри». Ф. Загаринно, Ж. Фейки «Эртанги кун ҳеч қачон келмайди» жангари фильмида.

1.35 «Чайка» театр фестивали кундалиги.

1.55 «ТВ-6 кинотеатри». «Хаммаси ўзаро муносабатда» комедияси.

8.00 Бизнинг кино. Б. Чирков ва М. Ладичина

СЕШАНБА 7

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 ТВ-маркет.

8.40 Кино янгиликлари.

8.55 «Суанглрдан таралган меҳр». Концерт.

9.20 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Қўшлар».

9.35 ТВ-метео.

9.45 «Шарқнинг машхур аёллари».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР

10.05 «Ошиқ бўёқчи ҳақида эртақ». Бадий фильм.

11.20 «Енқок новдаси». Мультфильм.

11.40 «Июлос».

12.05 «Мана янги» дастури.

12.40 ТВ-метео.

12.50 «Экспедиция». Телесериял. 28-қисм.

13.40 «Куйла, ёшлим». Муслиқий дастур.

14.10 А. Пушкин. «Тош меҳмон». Теленовелла.

15.05 ТВ-анонс.

15.10 Самбо бўйича Халқро турнир.

15.40 «Қадимий шўхликлар». Бадий фильм.

16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».

17.55 ТВ-маркет.

18.10 Болалар уюми. «Миттвойлар оиласи».
Шукур ака наинки буюк артист, шу билан бирга Буюк Инсон эди. Мен у кишининг ноёб актёрлик салоҳияти ҳақида гапирмоқчи эмасман. Бу ҳақда китоблар ёзишган. Рус режиссёрларидан бири Шукур Бурхонов ҳақида гапириб, «у ўзбекларнинг Жак Гобели» (буюк француз актёри) деган. Ахир, бундан ҳам ортиқ баҳо бўладими? 1987 йили Шукур акам қазо қилганларида Тошкентда эмас эдим. Бу буюк инсонни охириги йўлга кузатиб кўёлмаганим мен учун бир умрга армон бўлиб қолди. Шу боис, у кишининг порлоқ руҳини шод қилиш ниятида хотираларимни қаламга олаётirman.

Шукур аканинг армони

Бир куни «Мирзо Улуғбек» спектаклидан кейин Шукур акани уйларига кузатаётим:

— Нега «Жалолидин Манғуберди» спектаклини тиклашмайди? Ахир бизнинг авлод кўрмаган-ку? — деб сўрадим. У киши узоқ сукут сақлаб:

— Ким билади, менам шунга ҳайронман. — деди-да, кейин кўшимча қилди:

— Мана, Р.Симонов — Петр I, А.Черкасов — Иван Грозний образларини экранда қойил қилиб яратишди. Қани энди, Шайх (Шайхзода демади) Амир Темур ҳақида пьеса ёзсаю, мен саҳнада ўйнасам, — деди оғир хўрсиниб.

Афсуски, Шукур ака бу орзусига етолмади. Ким билади, мушакқиллик туфайли ҳозирги оламшумул ўзгаришлар Шукур ака ҳаётлигида юз берганида, у саҳнадами ё экрандами, Амир Темур образини яратиб, миллионлаб мухлислари қалбида ўзига яна бир ҳайкал ўрнатиб кетармиди?

Хусан РЎЗИМАТОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият
ходими.

«Нашёл», нашёл!»

Эллигинчи йилларда машҳур рус эртакнавис режиссёри А. Глушко рус афсонавий қаҳрамони Илья Муромец ҳақида фильм яратишга киришади. Бош ролни машҳур рус актёри Борис Андреевга топширади. Лекин эпизодик рол — Калинин шох ролни актёр танлашда анча қийналади. Ҳатто Шакон Айманов ва В. Меркурьев сингари машҳур қозоқ, рус актёрлари ҳам «синов»дан ўтолмайди. Ўша пайтда режиссёр Л. Файзиев «Мосфильм»да «Амирликнинг емирилиши» фильмининг сувратга олаётган бўлади, бу картинада Шукур ака экранда атиги бир дақиқа кўринадиган Иброҳим ўғри ролини ижро этган.

Фильмда Иброҳим ўғрининг Бухоро амири Олимхон билан учрашиш саҳнаси бор. Ўша эпизод сувратга олинаётганда павильонда тасодифан «Илья Муромец» фильмининг иккинчи режиссёри пайдо бўладию, Шукур аканинг ижросини — қаҳр-газабдан чақнаган, сўз билан ифода қилиб бўлмайдиган кўзларини кўрадию, хурсанд бўлганидан «Нашёл! Нашёл!» деб қичқириб юборади. Ўша заҳоти уни Калинин шох ролни таклиф қилади. Шукур ака бу ролга проба бериб, Тошкентга қайтиб келади.

Бир куни Шукур аканинг кичкинагина ҳовлисидаги сўрида, чой ичиб гаплашиб ўтирган эдик, почтачининг «Бурхонов, телеграмма» деган овози эшитилди. Шукур ака

менга, бор, телеграммани кўл кўйиб олгин, дедилар. Олиб келиб ўзларига узатсам: «Оч, ўқи» дедилар. Уқидим: «Тошкент, Инженерная, 12. Бурхонову. Вы утверждены на роль Калинин царя, срочно выезжайте. Режиссёр А. Глушко». Шукур аканинг ўша пайтдаги ҳолатини тасвирлашга тил ожиз. Эҳтиросли одам эмасми, кўзларида севинч ёшлари билан мени бағрига босиб, қучоқлаб устма-уст юзимдан ўпти-да:

— Хусан, қозоқ, сени қаламинг қутлуг келди, ахир, билсанку шу телеграммани кўзим тўрт бўлиб куттандим, — дедилар.

Шукур ака режиссёрнинг ишончини ортиғи билан оқлади. Унинг ижросидаги Калинин шох образи озодлик қушандаси, ёвузлик тимсоли сифатида дунё томошабинлари, хусусан эртаксевар болаларимиз қалбида бир умрга муҳрланиб қолди.

Бўкадаги унутилмас учрашув

Шукур ака том маънода халқ артисти эди. Унинг мухлислари шу қадар кўп эдики, ҳар спектаклдан кейин унинг чиқишини тўда-тўда бўлиб кутишар, биринки оғиз гаплашиб, анча жойгача кузатиб кўйишарди, ўз севимли артистининг елкаларида кўтариб юришга тайёр эдилар, мен бир неча бор бунинг гувоҳи бўлганман. Айтиқса, Бўкадаги ҳаяжонли учрашув сира эсимдан чиқмайди. Мен у вақтда Маланият вазиралининг репертуар-редакцион коллегиясида ишлардим. Бўка туманидаги дарслар икки тилда — рус ва ўзбек тилларида олиб бориладиган

М.Уйғур номидаги ўрта мактаб директори, юртдошим раҳматли М.Абдуллаев бир куни хузуримга келиб:

— Мактабимиз Маннон Уйғур номидаю, лекин ўқувчилар у ёқда турсин, ўқитувчиларнинг ҳам кўпчилиги М.Уйғурнинг кимлигини яхши билишмайди, тегишли ташкилотлар билан келишиб, бир талбир ўтказасак, — деб қолди.

Хуллас, мактабда учрашув ўтказадиган бўлдик. Ҳаммамиз, бу талбирда энг муҳими М.Уйғурнинг севимли шогирди, унга алоҳида меҳр қўйган Шукур ака қатнашиши керак, деган фикрга келдик. Аслида Шукур ака бунақа дабдаба, тантаналарни ҳуш кўрмасди, лекин устози М.Уйғур хотирасига нисбатан чексиз ҳурмат-эҳтиромни туфайли рози бўлди, унга артист Ё.Аҳмедов, театршунос Т.Исломов, М.Уйғурнинг фарзанди Қ.Мажидов, вазириликдаги театр бўлими бошлиғи Э.Исмоилов ва камина ҳамроҳ бўлдик. Учрашув ниҳоятда мароқли, жонли ўтди. Шукур аканинг иштироки учрашувга ўзгача бир файз, салобат бахш этди. Назаримда, устози Маннон Уйғур ҳақидаги энг оз, лекин соз сўзни ҳам Шукур акам айтди.

— Биз артистлар билан ўқитувчиларнинг хизматимиз, ишимиз бир. Сизлар ҳам, бизлар ҳам одамларга эзгуликдан, яхшиликдан сабоқ берамиз. Фақат сизлар — синфда, бизлар — саҳнада. Ўзимга келганда шуни айтишим керакки, мени Шукур Бурхон қилган шу устозларим Оға билан Етим акалар, санъатсевар халқим, унинг меҳри. Мен уларга бошим ерга теккунча таъзим қиламан.

БИЗНИНГ МАҲСУЛОТИМИЗ — БУ ЮКСАК СИФАТ КАФОЛАТИ.

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН ҚУЙДАГИЛАРНИ СОТАДИ:

- КАБЕЛЬ ЎТКАЗГИЧ МАҚСУДОТЛАРИ
- ЕРТИГҲЛАР
- ЛАМПАЛАР

ЯҚИН ВА УЗОҚ ҚОРИДАН ТУРАН ЭЛЕКТРОТЕХНИКА МАҚСУДОТЛАРИНИ ШАРТНОМАНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ИМКОНИЯТИ БОР.

Тел/Факс: (+800 711 136 81 54; 133 12 84)

Хитойдаги фалсафий тафаккур тарихида конфуцийлик ва даосизм мактаблари алоҳида мавқега эга ҳамда улар Хитой маданиятининг тараққиётида бебаҳо ўрин тутди. Бу мактабларнинг асосчиси Конфуций ва Лаоцзи каби мутафаккирлардир. Улар милoddан аввалги VI-V асрларда яшаган.

Хурматли газетхонлар! Куйида сизга мухтасар шаклда бўлса-да, Конфуций тўғрисида маълумот берамиз ҳамда унинг ҳикматларидан қатрлар тақдим этамиз. Пайти келганда, гоятда қизиқарли яна бир фалсафий мактаб — даосизм ва унинг асосчиси Лаоцзи тўғрисида ҳам гаплашамиз.

Конфуцийнинг Хитой фалсафаси тарихида тутган ўрнини Суқротнинг қадимги юн фалсафаси майдонидаги мавқега қиёслашимиз мумкин. Конфуций таъминан милoddан олдинги 551-479 йилларда яшаган. Унинг дунёда кенг тарқалган Конфуций номи «Кун» ва «фуцзи» сўзлари негизида туғилган. «Кун» — ҳозирги тил билан айтганда, фамилияни англатади, «фу» сўзи файласуф, «цзи» — ўқитувчи, устоз, муаллим, деган маъноларни беради. Хитойликлар уни «Кунцзи» дейишади ва бу «Файласуф устоз Кун» деганидир.

Конфуций даврдан «Беш асос» ва «Тўрт асос» каби улкан ёзма манбалар сақланиб қолган. «Беш асос»нинг Конфуцийга таллуқчилиги шартли маънодадир. Сабаби — масалан, ундан Конфуцийгача мавжуд бўлган машҳур «Кўшиқлар китоби», «Таомиллар» (ёки «Маросимлар»), «Ривоятлар китоби», «Фолбинлик китоби» (ёки «Ўзгаришлар китоби») каби қадимги Хитой маданияти обидалари ўрин олган. Аммо уларнинг барчаси конфуцийлик этиқолига бўйсундирилган ҳолда қайта ишланган ва шу таълимотнинг моҳиятини очишга хизмат қилди. «Тўрт асос» эса Конфуцийнинг «Ҳикматлар»идан ташқари «Мэнцзи» («Мэн устоз»), «Буюк таълимот», «Оралик ҳақидаги таълимот» каби Конфуцийнинг ўзи ва унинг издошлари қолдирган ҳикматларни ўз ичига олади.

Конфуций Хитой фалсафаси тарихида биринчи марта фалсафа масалаларини коинот билан эмас, балки ўзи яшаётган конкрет жамият ва давлат қурилиши, мавжуд ижтимоий турмуш тарзи билан боғлади. Ва айтиш керакки, ўздан улкан таълимот қолдирди. Конфуций таълимоти конфуцийлик деб аталган этиқолини юзага келтирди. Ва у Хитойда деярли 20 аср мобайнида ўзгаришсиз расмий мафкура сифатида ўз кучини сақлаб келди.

Конфуций ўзи яшаган давлат муҳитида шаклланган жамиятда ўзаро мутаносиблик, пировардида, фаровонликни юзага келтирувчи ахлоқий-сиёсий тамойилларни ишлаб чиқишни бош вазифа деб билди. Бунинг учун эса у ўз таълимотига жамият ячейкаси — оилани асос қилиб белгиледи. Оила бўлганда ҳам, уруғчиликка асосланган жамият бағрида шаклланган оилани. Конфуций ўзининг давлатчилик идеалини ана шу андозага асосланиб, тайин этади. Яъни оилада бўлганидек, давлатда ҳам кичиклар катталарга бўйсунмоғи шарт, бироқ энди бу юксак боқичда фаолият тақсимоли нобақат уруғчилик, қонқариндошлик белгиларига кўра, эмас балки кўпроқ шахсларнинг ижтимоий даражасига қараб белгиланади. Давлат, Конфуций фик-

рича, пирамида шаклида ўз ҳаётини ташкил этиши лозим: жами-

рофгар эмас, ҳалоллик йўлида муросасиз ва дуч келган гуруҳга кўшилиб кетувчи эмас... Конфуций бундай хислатлар соҳиби бўлган шахсни «ғўзал инсон» деб билади. Жамиятни шундай шахслар бошқарса, унинг фаровонлиги таъминланишини таъкидлайди. Конфуций «ҳимматли зот»га «нобақор кимса»ни зид қўяди. Бундай кимса ярамас хатти-ҳара-

халқни бошқаришда — адолатли».

8.13. Устоз шундай деди: «Тўғри таълимга кўнгилдан ишон, ҳаётдаги тўғри йўлни ҳаётингни гаровга қўйиб бўлса-да, ҳимоя қил. Хатарли давлатга қадам босма. Нотинч давлатда яшама. Агар давлатда дао (ривож йўли) ҳукмрон бўлса, унинг бағрида қашшоқ ва қадрсиз бўлиши мумкин эмас; дао (ривожланиш йўли) ҳукмрон бўлмаган давлатда эса бой ва қадрли инсон бўлиши мумкин».

9.18. Устоз шундай деди:

«Ҳали мен маҳбубалар гўзаллигига ошиқлик даражасида эзгуликни сева олган шахсни учратмадим».

14.4. Устоз шундай деди: «Олий ҳимматли киши бийрон сўзли нотик бўлмаслиги мумкин, бироқ бийрон сўзли нотик ҳам олий ҳимматли зот бўлмаслиги мумкин».

14.27. Устоз шундай деди: «Ҳимматли зот-сўзи ишига мос келмаслигидан уялади».

15.19. Устоз шундай деди: «Ҳимматли зот, доврқли бўлмадим деб эмас, балки табиатида бор салоҳиятимни кўрсата олмаман, деб қайғуради».

16.10. Кунцзи (Конфуций) шундай деди: «Ҳимматли зот тўққиз нарсани муҳим деб билади: қараганинда — кўра ол; тинглаганинда — эшит ол; чеҳрагида самимият, қиёфасида эса ўзгаларга эҳтиром бўлсин; нутқинда — садоқат, ишинда — шинавандалик бўлсин; ишбуҳалансанг — албатта сўра; тутуққан пайтинг — оқибатини ўйла; олаётганинг — қарз эканлигини унутма».

20.2. Цичжан Кунцзи (Конфуций) дан «Юртни қандай бошқариш керак?» деб сўради. Устоз деди: «Бошқарувда бешта гўзал усулга астойдил амал қилиш ва тўртта ярамас усулдан ўзни тийиш зарур». Цичжан сўради: «Бешта гўзал бошқарув усули нималардан иборат?». Устоз жавоб қилди: «Ҳимматли зот мурувватли бўлади, бироқ исрофгарчиликка йўл қўймайди; у иш пайтида талабчан бўлади, бироқ бошиқаларда норозилик уйғотмайди; истак-хоҳишда очкўзликка берилмайди; кенг феъл ва такаббур бўлмайди; улғувор, аммо атрофдагиларга вазоҳат солмайди».

Цичжан деди: «Мурувватли, аммо исрофгарчи бўлмаслик нима ни англатади?». Устоз деди: «Халққа нима фойдали бўлса, шуни бахшида эт. Бу — мурувват, бироқ, исрофгарчилик эмаску? Одамларнинг нимага қобилигини билиб ишга қўйсанг ва ундан ишни талаб қилсанг, бундан ким норози бўлиши мумкин? У катта ва кичик, босиқ ва тез одамлар билан бир хил муомалада бўлса, бу унинг феъли кенг, аммо такаббур эмаслигини кўрсатмайди? Ҳимматли зот ўзига муносиб кийимда юрса, қарашларида қатъият бўлса, бошиқалар унга эҳтиромли бўлади. Бу унинг улғувор, бироқ вазоҳатли эмаслигидан далолат эмасми?».

Цичжан сўради: «Бошқаришнинг тўрт ярамас усули нима экан?». Устоз жавоб қилди: «Бошиқаларни қонунни четлаб ўтиб, ўзбошимчаларга ўлимга ҳукм этиши, бу — шафқатсизликдир. Ишинг натижасини огоҳлантирмадан талаб этиши — зўравонликдир. Иш бажарилиб, яқунлашига яқинлашиб қолса-да, шунга тегишли буйруқни ҳаяллатиб ўтириши — қароқчиликдир. Меҳнатга ҳақ тўлашда хасислик қилиши — пасткашлиқдир».

Таржимон:
М. САФАРОВ.

Конфуций



ятнинг тожи — Осмон Ўғли — ҳукмдор, ораликда эса мартабали табақа, жамият асосида — халқ турари. Осмон Ўғли — давлат раҳбари. У «осмон иродаси» — Яратганнинг амрини бажаради. Бунинг учун у шак-шубҳасиз, зарур салоҳиятларга эга бўлмоғи шарт. Ҳукмрон табақа ва халқ ўртасидаги муносабат қўйидаги бадий тимсолларда ифодаланади: биринчиси — «шамол», иккинчиси — «майса». Шамол эганида майсалар тебраниб, чайқалганидай, мартабали табақа халқни ҳаракатга келтиради.

Конфуцийнинг бутун диққат-эйтибори ана шу ораликдаги ижрочи — мартабали табақага қаратилган. Конфуций таълимоти марказида «ҳимматли зот» туради. У ҳукмрон табақанинг идеал номандаси бўлиб, Конфуций таълимоти кўмагида ўзида жамият фаровонлигини таъминлай оладиган олийжаноб фазилатларни шакллантиради.

Конфуций «ҳимматли зот»ларга хос бешта ҳислатни алоҳида қимматли деб билади. Бу — «бурч-адолат», «жэнь», «мардлик», «таомил-одат» ва «билим».

Конфуцийнинг «Ҳикматлар» асари ўзида «ҳимматли зот»нинг бундай фазилатларини батафсил акс эттиради. Яъни, «ҳимматли зот» олий ҳукмдор чукур эҳтиромли ва халққа нисбатан мурувватли, жамиятдаги хизмати ва бурчини сидқидилдан бажарувчи, замондошлари ўртасида шон-шўратга интилувчи эмас, балки куч-қобилиятини жамиятдаги бурчини оқлашга сарфлаш тўғрисида кўпроқ қайғурувчи, урф-одат ва анъаналарни ихлос билан бажарувчи шахсдир. У оҳиста ва хотиржам, чеҳраси самимиятли, табиатига дағаллик ва фаҳмсизлик бегона, кийиниши озода ва ўзига муносиб, ахлоқий-ижтимоий мезонларни чуқур анлаган, бойлик ва мартабани «тақдир инъоми» деб билиб, уларга атайин интирмайдиган, хайру-саховатли, лекин ис-

катлари билан ажралиб туради: у ўз нафсининг қули, бурч нималигини билмайди ва шунинг оқибатида жамиятда ҳукмрон тартиб-қоидаларни осонлик билан бузади. «Осмон иродаси»ни сезмайди, мартабали зотлар ва донишмандларга қалб эҳтироми йўқ, ўз кадр-қимматини билмайди ва тиланчиликдан ўзини тия олмайди. Шундай қилиб, Конфуций таълимотида шахсий-ахлоқий хусусиятлар чуқур ижтимоий моҳиятли метъерларга айланади.


Конфуций таълимоти давлат ва жамият ҳаётини уюштириш ва бошқариш нуқтаи назаридан умуминсоний аҳамиятга эга бўлиб, шу боисдан фалсафа тарихида «конфуцийлик» ва «неоконфуцийлик» мактабларини вужудга келтирди ҳамда ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

«Ҳикматлар»дан қатрлар:

«Ҳикматлар» — шоғирдларга Конфуций ўғитларининг озғак баён тарзида битилган. Ва ҳар бир ўғит асарда махсус моддалар тусини олиб, тартиб билан рақамланган. Асарда фақат Конфуций — устознинггина эмас, балки фалсафада устоз даражасига кўтарилган айрим шоғирдларнинг ўғитлари ҳам берилган. Шу боисдан, ҳурматли газетхонларимизга асар тартибини бироз бузиб бўлса-да, фақат Конфуций-устознинг ўғитларидан айримларини тақдим этамиз.

1.1. Устоз шундай деди: Мен доврқли эмасман, деб ҳасратга берилмайдиган одамдан ҳам ҳимматли зот бўлиши мумкинми?».

5.6. Устоз Цичжан (Конфуций)га замондош машҳур сиёсий арбоб ва дипломат) тўғрисида шундай деди: «Унда ҳимматли зотларга хос бир неча хислат муҳассам: у ўздан юқори мартабали зотларга иззат-иқромли, қўл остидаги одамларга мурувватли,



Мен туғилган қишлоқ.
Т. МАҲҚАМОВ
олган сурат-лавҳа.

Ўғриллар топилди

Жиззах вилоятининг Дустлик туманида истиқомат қилувчи фуқаро Бибиш Рўзиева таҳририят номига юборган мактубида «Оқ олтин» ширкат хўжалиги сут-товар фермасидан 10 бош қорамол ўғирлангани ҳақида куйиниб ёзганди. Орадан анча вақт ўтган бўлишига қарамай, жиноятчилар топилмаган, бу ҳам етмаганидек, мазкур масала бўйича қўзғатилган жиноят иши вақтинчалик тўхтатилган.

Нега масалага бу каби муносабатда бўлинапти? Шундай савол билан туман прокуратурасига муурожаат этилди. Яқинда ана шу саволга туман прокурори, адлия маслаҳатчиси жаноб А.Турсуновдан жавоб мактуби олинди. Унда айтиладики, шикоят хатига асосан фермадан 10 бош қорамол ўғирланиши факти бўйича қўзғатилган жиноят иши ўрганиб чиқилди. Жиноят ишини вақтинчалик тўхтатиш ҳақида илгари қабул қилинган қарор бекор қилинди ва қўшимча тергов ҳаракатлари ўтказиш учун Дустлик тумани ички ишлар бўлимига кўрсатма билан юборилди.

Олиб борилган қўшимча тергов ҳаракатлари оқибатида «Оқолтин» ширкат хўжалиги сут-товар фермасида ўғирлик содир қилган шахслар аниқланди ва улар жиноят ишида айбланувчи тарихида эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинди. 10 бош қорамолдан 3 боши ўғирлардан далалий ашё тарихида олинди, фермага қайтарилди, қолган зарарни ундириш учун судга даъво кiritилди. Жиноят иши айблов хулосаси билан судга юборилди ва Дустлик туман судининг ҳукми билан жиноятчилар Ф.Қорабоев, О.Ашуралиевлар 7 йилга, Б.Қимсанов 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

«Халқ сўзи» фуқаролар хизматида



уларнинг ўз оиласи, ташвишлари бор. Менга қиз бўлсангиз, бирга яшасак», дедилар. Ҳаяжонланиб кетдим. Уйга — Марғилонга бориб, ота-онамнинг розилигини олдим. Шундан кейин ойимлар билан яшай бошладим. Тезда янги оила билан «киришиб» кетдим.

Ойим билан бир хонада ухлардик. Соатлаб гаплашиб ётардик. Уз ҳаётларидан қизиқ воқеаларни сўзлаб берардилар, монологлар

очди...

Ойим ҳар йили менинг туғилган кунимни ўтказиб берар эдилар. Дугоналарим келишарди, ўзларининг ҳамкасбларини ҳам албатта таклиф қилардилар. Турғун Азизов, Рихси Иброҳимова, Шукуржон Сафоева, Эркин Комилов, Тилаш Хўжамбердиев каби санъаткорлар совға-саломлар кўтариб кириб келишарди. Туғилган кунимда ойим яйраб кетардилар. Биз бир-биримизни сўзсиз тушунардик...

Ойим жуда покиза аёл эдилар. Уйни, идиш-товоқларни доим озода тутардилар, мендан ҳам шуни талаб қилардилар. Улардан жаннатнинг нафаси келиб тургандек бўларди. Ойим бирон нарсани хоҳласалар, истаганларидек бўларди, бировдан ранжисалар, ўша одам жазо топарди...

У менинг ҳам онам эди

Радиодан кўшиқ тараларди. Куйи дилбар, ижрочининг овози майин:

*Сен менинг онамнинг ёнида юргин,
Сен менинг онамни асрагин, баҳор...*

Кўшиқ манзур бўлиб, унинг ижрочисига қизиқиб қолдим. Қизиқишим шу кўшиқнинг бастакори Қаҳрамон Комилов ҳузурига бошлади.

— Ҳа, Фотима Аъзамовами, — деди Қаҳрамон ака мудоаимни англагач, — раҳматли Сора Эшонтўраеванинг қизлари у.

Бу гапдан хангу манг бўлдим. Сора опанинг ўғиллари борлигини билардим, қизлари ҳақида... Эртаси кун Фотимани қидириб уйига бордим. Бир пиёла чой устидаги суҳбатимиз узок давом этди.

— Биз уч эгизак туғилган эканмиз: Фотима, Зухра, Заҳро, — дея гап бошлади Фотимахон. — Эгизак сингилларим бир неча кун яшаб оламдан ўтишган. Отанинг оналари Пошша бувим мени «папалаб» ўстирганлар. Сал тобим қочса, аям билан бувим кўрқиб кетишарди. Далам биз — фарзандларга бирор марта овозларини баландлатмаганлар. Ҳаммамизни сизлаб гапирардилар, кўнглимизга қарардилар.

Мақтабни тугатгач, Тошкент Давлат медицина институтига кириб ўқидим. Аълочи, ташкилотчи талаба эдим, шу сабабли институтни битирганимдан кейин Тошкентда ишга олиб қолишди. Ойимлар (Сора Эшонтўраева) билан стационарда танишганмиз. Ушанда мени ёқтириб қолиб, уйларига таклиф қилганлар. Кейин тез-тез бориб турадиган бўлганман. Бир кун: «Менинг икки ўғлим бор, қизим йўқ. Келинларим, худога шукр, яхши, лекин

айтардилар. Сўзлаганда одамни сеҳрлаб кўярдилар. Эшитиб тўймасдим.

Бир кун уй йиғиштираётган кўшиқ хиргойи қилиб юрсам, — Бунча овозингиз яхши экан, сиз кўшиқ айтишингиз керак, — дедилар ва шу заҳоти бастакор Баҳрулла Лутфуллаевага кўнғироқ қилдилар. Бу пайтда мен аёллар шифокори бўлиб ишлардим, кўшиқ айтиш сирларини ҳам ўргана бошладим. Уйда репетицияларим учун алоҳида хона ажратиб беришди. Ойим пианино чалардилар, мен кўшиқ айтардим. «Концерт»ларимизнинг томошабинлари эса Гого ва Темур акам (Сора Эшонтўраеванинг ўғиллари), уларнинг оила аъзолари бўлишарди. Улар кўшиқларимнинг биринчи тингловчилари.

Ойим қаттиққўл эдилар. Ишхонамга кўнғироқ қилиб, бош шифокоримиздан қандай ишлаётганимни суриштириб турардилар. Эрталаб кетаётганимда, соат нечада келишимни сўрадилар. Бир кун хизмат билан бўлиб уйга бироз кечикиб келдим. Ойим хавотирланиб ўтирган эканлар, мени қийин-қистовга олдилар. Тушунтирганимдан кейин сал тинчидилар. Кийинишимга ҳам аҳамият берардилар. Ўзлари содда, аммо дил билан кийинар, мендан ҳам шуни талаб қилардилар. Ортиқча пардоз-андоз, тақинчоқларни ёқтирмасдилар.

Ойим жуда раҳмдил эдилар. Бир кун қарасак, бир мусича уйимиздаги девор чироққа бир нечта чўпни тахлаб қўйибди. Уша-ўша ойим девор чироқни ёқишга ҳам, совуқ-иссиқ кунларда деразани ёпишга ҳам қўймадилар. Бу беозор жониворнинг озор топишини хоҳламадилар. Мусича эса чироққа ин қурди, полапонлар

Кейин ойим касал бўлиб қолдилар. Кўнглимга ҳеч нарса сиғмай, ишдан ҳам бўшадим. Ўғиллари, набиралари қаторида мен ҳам ёнларидан жиммадим. Ўзлари қаттиқ бегоблару бизни ўйлайдилар. Ушанда Ёлгор Саъдиев, Ёқуб Аҳмедовнинг одамгарчилиги, оқибатлилигига қойил қолганман. Улар ҳар кун касалхонада бўлишарди, ойим учун қон ҳам беришган.

Ойим вафот этганларидан кейин уйда тура олмадим. Ҳар бурчаги уларни эслатиб, юрагим сиқиларди. Марғилонга кетиб қолдим. Гого акам бориб: «Сен менинг қиёматли синглимсан, онамизнинг руҳлари шод бўлсин десанг, Тошкентга юр», дедилар. Яна қайтдим. Ҳозир Чилонзордаги 24-поликлиникада бўлим мудири бўлиб ишлаяпман.

Марғилонда аям билан далам бор. Бу ерда — ойимнинг руҳи. Мен у киши билан беш йилга яқин бирга яшадим. Шу беш йиллик умримнинг мазмуни бир умрга татийди. Менга она меҳрини берган, бошимни силаган бу меҳрибон аёлнинг руҳи доим мен билан, ишларимда мадал бериб туради. Сиз кўрган «Инқилоб тонги», «Ғариблар», «Бой ила хизматчи», «Қулғу қон» каби сахна асарларида ўзлари яратган оналарга ойим ҳаётда жуда ўхшар эдилар. Ҳаётда ҳам сахнада кўрганингиздай меҳрибон, айна пайтда қаттиққўл, нозик ва шу билан бирга иродали аёл эдилар. Улар ҳаммамизнинг онамизга ўхшардилар. Самимий, содда, бағри кенг ўзбек оналарига...

Фотима Аъзамова хотираларини журналист Раҳима Раҳматова ёзиб олди.

Садоқат

Абдураззоқ БУРЛИЕВ, Сирдарё тумани.

Азиз аканинг ёшлиги Жиззах вилояти, Фориш туманида ўтди. Умри давомида кўплаб ҳўжалик, йирик корхоналарда, вилоят миқёсидаги масъул лавозимларда ишлади. Туман ижроқўми раиси, туман фирқа кўмитаси биринчи котиби вазифаларида хизмат қилди. Уни кўпинча қолақ ҳўжаликларга, туманларга ишга жўнатишарди. Чунки кўпчилик унга ишонар, ташкилотчилиги, одамлар қалбига йўл топиши, меҳнатни ташкил этиши, раҳбарлик салоҳияти билан бошқалардан ажралиб турарди. Азиз ака олдий кишиларни, меҳнаткашларни, халқни севарди, қадрларди. Шу боис у одамлар дилига, тилига тушди. Кишилар меҳри-муҳаббатига сазовор бўлди. Шуни унинг ўзи юксак бахт, улкан мукофот деб билди.



— Азиз Эргашевни яхши биланман, — дейди Сирдарё туман «Нуроний» жамғармаси раиси Муҳиддин Ҳожи Каримов. — Ниҳоятда серғайрат, меҳнаткаш, меҳрибон инсон эди. Тўғрисиўлиги, халқпарварлиги баъзан айримларга ёқмасди. Шу боис район ижроқўми раиси бўлиб ишлаб юрган Эргашевни туҳмат уюштириб, ишдан олишди. Ҳақиқат эгилади, аммо синмайди, деганларидек у пировардида оқланди, туҳматчилар ўз қилмишларидан уялиб қолишди.

— Акам бизнинг фахримиз, ифтихоримиз эди, — деб хотирлайди унинг укаси, меҳнат фахрийси Мамаражаб Эргашев. — У ўз манфаатини эмас, кўпроқ ўзгалар манфаатини ўйларди. Бир кун уйимизга Жиззах вилоятидан бир нотаниш йигит кириб келди, акамни йўқлади. Акам ҳўжаликда директор бўлиб ишлаб юрганида ўша йигитнинг уйланиш тўйида бош-қош бўлган, унга кўмаклашган экан. Раҳмат айтди, ўзининг миннатдорчилигини билдирди. Бундай

мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Азиз акани ҳақиқий чўлқувар, десак муболаға эмас. У Мирзачўлда минглаб гектар ерларни экинзорларга айлантirdи, янги боғ-роғлар ташкил этди, инсонлар дарди, ташвиши билан яшади. Жумладан, Сирдарё туманида ҳам хайрли ишларни амалга оширди. Сирдарё дарёси бўйида республикада машҳур паррандачилик мажмуасини ташкил этди. Пенсияга чиққач, Сирдарё

туман мол қабул қилиш пунктини хусусийлаштириб олди, «Чорвадор» кичик корхонасини очди. Кейинчалик у «Азиз-Али» кичик корхонасига айлантirdи. Мазкур кичик корхонани ҳозирда туманда эмас, балки вилоятда ҳам кўпчилик яхши билишади. Илгари ташландик, оқар сув чиқмай ётган ерларни ўзлаштириш, обод қилиш осон кечмади. Азиз ака бу ерларни ўзлаштириб, юзлаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари эктирди, гулзорга айлантirdи. Соя-салқун, оромбахш, озода ва ораста бу жойлар эндиликда сирдарёликларнинг сеvimли хордиқ масканига айланиб қолди.

Азиз ака умрининг охирида соғлиги ёмонлашиб шифоналарда даволанди. Шундай дамларда умр йўлдоши Дармоний опа унга парвона бўлди.

— Қабрингиз ҳамиша нурга тўлсин, — дея гоҳо пичирлайди опа. — Бизнинг энг қувончли ва ҳаяжонли кунларимиз Сизнинг тирикчилигингизда, ёнимизда бирга бўлган онларингизда бўлган экан. Сиз фарзандларимиз Алишер ва Зухраларнинг бахт тўйларини кўрмай бу дунё билан хайрлашдингиз, начора...

Азиз аканинг ишнини, ҳаётини эндиликда турмуш ўртоғи Дармоний опа, фарзандлари далолига эгтиряпти.

Иzzатилланинг «Ниҳол»и

Муस्ताқиллик айёми арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббус ва тавсияси билан ёш истеъдод эгаларининг жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришдаги муҳим ўрнини инобатга олиб, ўзининг ижро маҳорати билан кишиларнинг юрагига етиб борадиган, эзгуликка чорлайдиган асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириб бориш мақсадида «Ниҳол» мукофоти таъсис этилган эди.

— Очигини айтганда, «Ниҳол»нинг илк совриндори бўлишимда онажонимнинг ҳамшишалик дуолари ижобат бўлди, шекилли, —

дейди суратда Сизга қулиб турган «Хўжа» эстрада гуруҳи хонандаси Иззатилла Иброҳимов. — Қолаверса, мен сингари санъат даргоҳига кириб бораётган ёш ижодкорларнинг бу даража сийланиши... «Хали навниҳолсан, ҳаётда қоқилмай, ўз ижод йўлинигни топиб олгунингча иссиқ тафтлаи кафтларим билан асраб-авайлаб, туп қўйиб, падак ёзинингда малаккор бўлайин», дегувчи «Ниҳол» совринининг берилиши...

Мукофотни олаётганимда дилимдан ўтган ҳис-туйғуларни ифодалаб беролмайман. Ҳаёлимдан «Биз ҳали нима қилибмизки, мукофотга лойиқ кўришса», деган ўй ўтади. Яна ўзимга-ўзим «Бу олдиндан бир ишорат, яхши куйла, халқ қалбини ром эт, токи кўшиқларинг уларнинг дилларини яйратсин. Шундагина сенга «Ниҳол»дек совринни раво кўрган Юртбошинг, халқинг ишончини оқлаган бўласан», дея далла бераман. Онажоним ҳам нуқул шуни тайинлайдилар.



Нўъмонжон Маҳаммадҷонов олган сурат.

Ўзбекистон футболлари: фикр, мулоҳаза, таклиф

Бразилияда ўғил туғилса, одамлар бир-бирини «Пеле муборак», «Яна бир футболчи дунёга келди», деб қутлашар экан. Бу — чарм тўп ўйинига маҳаллий аҳолининг қанчалик қизиқишидан, муҳлисигидан далолат, албатта. Уларнинг бу даражада фанат бўлиши эса мамлакат терма жамоасининг жаҳон майдонидаги оламшумул ғалабалари билан боғлиқ.



Ўзбек мухлиси

Озод РАЖАБОВ,

«Халқ сўзи»
мухбири.

Энди айтингчи, республикамиз фуқаролари ишқибозликда улардан қолишадими? Севимли жамоаси бир марта ютқазса, уч кунгача тунларни бедор ўтказадиган мухлисларимиз жудаюм кўплигини инкор эта оласизми? Фарқи шундаки, ўзбек мухлислари стадионга юз-кўзини бўяб, ярим-ялонғоч ҳолда тушишмайди, кўчани тўлдириб турли қилиқлар кўрсатишмайди. Лекин фидойиликда ҳатто ўша бразилияликлар ҳам бизнинг ишқибозлар ёнида ип эша олмаслиги аниқ.

Хўш, шундай экан, бу кунючак инсонлар нима учун терма жамоамизнинг ғалабаларини кўриб ҳузурланиш бахтига муяссар бўлмаслиги керак? Нима учун футболчи ва мураббийлар майдонга чиқишдан олдин шу ҳақда ўйлаб кўришмайди? Албатта, бу саволларга улар виждонлари олдида жавоб беришар. Бизни ҳозир бошқа нарса ўйлантирапти: терма жамоамизнинг бу даражада йирик ҳисобда мағлубиятга учрашига сабаб нима? Наҳотки, ўзбек футболлари шу қадар кучсиз бўлса?! Айнан шу саволлар билан бир гуруҳ юртдошларимизга мурожаат қилдик. Мана, улар қандай фикр ва таклифлар билдиришди.

Руфат РИСКИЕВ,
жаҳон чемпиони:

— Сабабларига келсак, уни мутахассислар таҳлил қилиб беришар. Бироқ, кўнглимдагини очиб айтишим мумкин. Спортда ютқазинлар бўлади. Ҳамма вақт ҳам ғалаба ёр бўлавермайди. Лекин бу рақибга хоҳлаганча гол уриш учун имконият яратиш керак, дегани эмас. Биласизки, мактабда жисмоний тарбия даражасида бўшлиқ қилсангиз ўқитувчи «2» баҳо қўйиб, дардан чиқариб юборари. Демакки, Ливанда ўзбекни уялтирганларнинг баҳоси ҳам икки. Уларни ҳам футболдан чиқариб юбориш керак.

Соат ШАРИПОВ,
актёр, тележурналист:

— Эҳ, ярамга туз сепдингиз-а. Биз ишқибозлар футболчиларни қўллаб-қувватлаш учун ҳатто кўшиқлар яратганимиздан хабардорсиз. А, улар эса... майли, бўлар иш бўлди. Энди кейинги ўйинлар ҳақида ўйлаш керак. Назаримда, йигитларимизга қандайдир кўтаринкилик, ҳа сеними, деб олға интиладиган шиддат етишмади. Иккинчидан, жамоа бирлашган ўзар, деган тамойилга амал қилмади. Иўқса, М. Қосимов кимдан кам? М. Шацкига бугун Англия жамоалари «харидор» бўлиб турган бўлса. Балки фикрим нотўғридир, лекин П. Бугалодай дарвозабоннинг шунча голни ўтказиб юбор-

ёхуд бразилиялик фанат

ганига ҳали ақлим етмайди. Одам барибир орзу билан яшайди. Шунинг учун айтаманки, Хиросимадагидек завқли кунлар тезроқ келсин.

Аброр ОРИПОВ, Тошкент:
— Европа ёхуд Лотин Америкаси «селекционерлар»ни қўя турайлик-да, Россиянинг футбол мутахассисларини олиб кўрайлик. Қаерда ёш, истеъодли футболчи-



бор экан, деб бутун МДХ давлатларини кезиб юришадди. Нима, бизнинг мураббийларимиз мамлакат бўйлаб шундай «саёҳат» қила олишмайдими? Шундай қилинса мен мамлакат шарафини ҳимоя қиламан, деб юрагида ўт ёқиб юрган ёшлар кашф этилади. Ана шунда, Юрий Саркисянга ўхшаганларнинг Федоровдан, Лебедевдан кучли ҳимоячи йўқ, деган сафсатага барҳам берилади. Яна бир гапни айтмасам бўлмас: футболчи йигитларимизда ватанпарварлик етишмайди. Эронликларни қаранг, бир тўп фарқи билан ютқазгани учун майдонга юм-юм йиғлашди. Бизникилар саккизта ўтказиб юборган бўлса-да, сақич чайнаб хотиржам чиқиб кетишди.

Жўракул ИНОЯТОВ,
Хатирчи тумани:

— Менимча, футболимиз мутасаддилари маълум бир жараёнга жуда кеч киришадди. Ҳа, у ўйини, кейинги йил октябрда-ку, деган лоқайдлик мавжуд, назаримда. Бу эса энг катта хато ҳисобланади. Мана, масалан, Японияни олиб кўринг. 2002 йилги жаҳон чемпионатида тайёргарликни 1998 йилдаёқ бошлашди. Ҳатто XII Осиё кубогини ҳам шу тайёргарликнинг бир босқичи деб ҳисоблашди. Бизда эса «Ливан-2000» бошланишига уч ой қолганда ҳам бош мураббий тайинланмаган эди. Фурсатни бой бериб шошиб қолгач, икки оёқни бир этикка тикиб чопган билан маррага голиб сифатида етиб бора олмаслик аниқ.

Шавкат БАХРИЕВ,
Касби тумани:

— Ливандаги аламли мағлубиятда, албатта, Ю. Саркисяннинг, федерация мутасаддиларининг айби бор. Лекин ҳозир айбдорни излаш билан овора бўлмаслик лозим. Чунки, шу муҳокамани ту-

гатунимизча, жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинлари бошланади. Ана шу учрашувларда муваффақиятли қатнашиб, кечаги доғни ювиш вазифаси Бахтиёр Раҳимов, Баҳром Ҳақимов каби ёшларга топширилгани яхши бўлибди. Бироқ, Биродар Абдура-

имов, Рустам Ақромов сингари тажрибали мутахассислар уларга доимий маслаҳатчи қилиб бириктирилса, бундан фақат футболимиз ютади. Яна бир таклифим, терма жамоа бош мураббийи ўз клубидаги вазифасидан озод этилиши ва фақат бош жамоамиз ташвиши билан яшаши керак. У нафақат олий, балки биринчи лига мусобақаларини ҳам кузатиши лозим. Шундагина чиндан ҳам терма жамоага муносиб жанговар йигитларни тўплаш мумкин.

Абдулла ХОЛМУРОДОВ,
Беруний тумани:

— Халқимизда шундай нақл бор: «Тол-теракнинг эгилгани сингани, эр йигитнинг уялгани ўлгани». Ўзбекистон номидан Ливанга борган «азаматлар» учун бундан-да катта уят бўлмас керак. Фикримча, миллий чемпионат савияси ошмас экан, терма жамоа ўйинида ўзгартириш бўлмайди. Ички биринчилигимизда эса йилдан-йилга жамоалар кўпайиб бормоқда. Дунёнинг ҳеч қайси давлати олий лигасида бундай ҳолат йўқ. Чунки, бу жараён истиқболга етакламайди, балки орқага тортади. «Дўстлик», «Насаф» каби жамоалар «Турон» савиясида тўп сура бошлайди.

Дарвоқе, берунийлик ишқибоз кўзгаган масала — олий лигада жамоаларнинг кўпайиб кетиши хусусида. Биз шу саволга бир йилдан бери аниқ жавоб топа олмаймиз. «Жар» спорт мажмуида бўлиб ўтган республика Футбол федерацияси ижроия қўмитаси йиғилишида бу масала яна бир бор кўтарилди. Федерация раҳбарлари (З. Қурбонов, В. Тихонов, эндиликда собиқ) бу жараёнга тиш-тирноғи билан қарши эканликларини билдиришди. Жамоалар мураббийлари ҳам шу фикрда.

Хўш, унда олий лига жамоаларини кўпайтириш «ғояси кимдан чиқди? Ва уни ким қўллаб-қувватлади? Албатта, ижроқўм аъзолари ва етакчи жамоалар мураббийлари. Шундай экан, нима учун яна айбдор изланаётми? Келинлар, ундан кўра дўппини олиб қўйиб, футболимиз савиясини кўтаришни, тезроқ амалий ишга ўтишни ўйлайлик. Зеро, ўзбек мухлиси Бразилиядаги фанат каби ғалабалардан ҳузурланишига минг чандон ҳақли.

Юлдузлар ва шов-шувлар


Ромарио «Интер» таркибида...



Италиянинг машҳур клубларидан бири — Миланнинг «Интер» жамоаси бу йилги мавсумни ўта бўш ўтказмоқда. Шу боис кейинги пайтда ҳар томонлама жиддий танқидга учраётган клуб раҳбарлари жамоа ҳужум чизиғини кучайтириш учун Бразилиянинг «Васку да Гама» клуби аъзоси, 35 ёшли Ромариони Италияга таклиф этганлигини билдирди. Клуб президенти Массимо Мораттининг айтишича, клубнинг ишонган ҳужумчилари — Кристиан Вьери ва Роналдолар ҳали сафга қайтмайди. Уларнинг жароҳати ҳамон жиддийлигича қолмоқда.

Шацких ва Деметрадзе Киевда яна бир йил қолади

Украинанинг «Динамо» жамоаси ҳужумчилари — грузиялик Георгий Деметрадзе ва ўзбекистонлик Максим Шацкихлар янги мавсумни Англия клубларидан бирининг таркибида бошлашни режалаштирмоқда, деган гаплар кўпайиб қолганди. Бироқ, яқинда жамоа бош мураббийи Валерий Лабановский иштирокида ўтган матбуот анжуманида бу каби хабарларга оидлик киритилди. Бош мураббийнинг айтишича, бу икки ҳужумчи «Динамо» учун жуда керак. Шу боис улар камида яна бир йил жамоада қолади, дейди Лабановский.



Ж. Ирисметов легионер бўлади!

Кройф мураббийликни рад этмоқда...



Голландиялик машҳур футболчи, Испаниянинг «Барселона» клуби собиқ бош мураббийи Йохан Кройф Англия терма жамоаси бош мураббийлигини рад этди.

— Мен уч марта мамлакатим — Голландия терма жамоасига мураббийлик қилишни рад этганман, энди инглизлар учун розилик берсам, улар мени қандай тушунади, — дейди Кройф.

Чилаверт «Страсбург» дарвозасини ҳимоя қилади

Парагвай терма жамоасининг истеъодли дарвозабони, шу кунгача Аргентинанинг «Велес Сарсфилд» клуби дарвозасини кўриқлаётган Хосе Луис Чилаверт Франция чемпионатида 13 учрашув ўтказиб бор-йўғи 3та ғалабага эришган, ўз дарвозасидан 30 та тўп ўтказиб юбориб, сўнги ўринлардан бирини эгаллаб турган «Страсбург» жамоаси билан шартнома имзолади.

Жардел 30 миллион эвазига «Бенфика»га қайтди

Туркиянинг «Галатасарой» жамоаси ҳужумчиси, бразилиялик Марио Жардел ўтган мавсум ўзи тўп сурган Португалияга қайтайдиган бўлди. Бироқ энди у «Порту» билан эмас, балки мамлакатнинг яна бир етакчи жамоаси «Бенфика» билан шартнома имзолади. Шартнома баҳоси эса 30 миллион долларга тенг. Бироқ Туркия тарафи футболчини декабрнинг охиригача ўз таркибида сақлаб туришни шарт қилиб қўйди. Бу таклиф португалияликлар томонидан қаноатлантирилди.

Эрикссон «Лацио»ни ёзда тарк этади



Римдаги «Лацио» клубининг машҳур бўлишида хизмат кўрсатган шведиялик мутахассис амалдаги мавсум ниҳоясига етгач, жамоани тарк этишини билдирди. Маълум бўлишича, Эрикссон 2001 йилнинг ёзидан бошлаб, инглизлар терма жамоасига бош мураббий этиб тайинланиши мумкин. Бироқ мазкур хабар мураббий томонидан тасдиқланмаган.

Мусулмон ЭЛМУРОДОВ
тайёрлади.

«Яна ошга тушди»

Бир ҳажвия тарихи

Қирқ йилдан кўпроқ ижодий фаолиятимда энг қизиқ, кўпгили ҳажвия, интермедияларнинг айримларини «Сирлар» ҳақиқатида бирга ишлаган ҳамкасбларим сиймоларини ўрганиш орқали яратдим десам, хато қилмаган бўлардим. Шулардан бири раҳматли Собир Турдиев эди. Ёши биздан анча удурок бўлса-да, кўп йиллар оддий мухбирлик қилди. Сафарда тўплаб келганларини баҳоли қудрат ёзғач, кўпинча бўлимдаги ётақчи ходимлар ишловидан ўтказарди. Узи анча шинаванда, улфатчиликни ёқтирарди. Биздан йигитлар унга қаттиқ ҳазил қилишса ҳам унча хафа бўлмасди. Ўзига ёққан кишиси хоҳ катта бўлсин, хоҳ ёш, «ука» деб гаплашарди. Ҳатто у укасининг тўғи маслаҳатида отасига ҳам «-э ука» деб юборган дейишди. Шу боисдан бўлса керак, таҳририятда унга ҳадди сикданки ҳодим «ука» деб мурожаат қилишарди. «Ука»нинг яна бир одати ишонувчанлиги эди.

Кунлардан бир кун йигитларда ош ейиш истаги турди. Хонадаги беш кишидан базур йигирма сўм тўпланди. Бу на ошга, на бошқасига етарди. Кимдир «ука» сафардан қайтибди, ҳализамон келармиш деди. Уни ошга тушириш режасини туздик. Аввало, «ука»нинг пули етмаса деган хаёлда тўпланган хамиртуруш пулини Ҳамроқул Ризога бериб қўйдик. Кейин «бўлажак лавозим» ишончли бўлиши учун вақтинча алабий котибликка ўтказилган бўлим мудирини Абдулла Нуримов столи устини шип-шийдан қилиб қўйдик. Бўлажак сценарийда ҳар кимнинг белгиланган роли бор эди.

Купитанидек, пешиндан кейин «ука» кириб келди. Иккита бўлим ходими туриб, бирин-кетин уни табрикларди.

— Нима гап ўзи, балки яна ош-пош егиларинг келиб қолган бўлса керак, — деди бепарвогина.

— Ошнинг керак бўлса ўзимиз қилиб берамиз, э «ука», қаерларда юрибсиз, бош мухаррир сизни уч қундан бери қизиради, — гап бошладим мен ўта жиддий қиёфага кириб.

— Ҳа, «ука», шундай. Сиз олдин манами жойингизга ўтириб олинг, — дея уни қўйида қўймай бўлим мудирини курсисига ўтказди Шароф Шералиев.

— Нега энди бу жой меники бўларкан, Абдулла Нуримов қани, деди у бироз ишонқирамай.

— Э-э, Абдулла ака кечадан бошлаб масъул котиб ўринбосари бўлиб ишлаётти, — дедик. Шу пайт шипиллаб Абдулла ака кириб келди. У ҳам келишиганидек «ука»ни табрикларди.

— Қани омин, шу курси «ука»га насиб этсин, мартабаси бундан ҳам зийода бўлсин, — дея ҳаммамиз фотиҳа қилдик. «Ука»да дарҳол ўзгартириш сезилди.

— У курсига бемалол жойлашиб, салобат тўқа бошладим.

— Хайрият, катталарга инсоф берибди, бўлмаса кеча келган Журавойларчалик бўла олмасдинг, — деди лимонда.

— Ҳа, энди «ука», йўталдинг, «қуруқ қошиқ оғиз йиртлади», деганларидек бугун эрибсиз энди, — деди Тошмурод Маманиёзов.

— Эриш-ку қочмас, аммо бутун ҳам-нинг мазаси йўқроқ эди, — деди у

олатига кўра мингиллаб.
— Ҳамроқул, сизда пул борми, — дедим. «Мана йигирма сўмгина», дея пулни «ука»га узатди.

— Бировдан қарз олиб улфатчилик қилмаганим, — дея гудурланиб пулни олди у. — Қайси чойхонага буюрай? — деди бизга бирма-бир қараб.

— Ҳар сафаргидек «Шариф трест»-га-да, ўзингиз қозон бошида турсангиз янада яхши бўлади, — дедим уни олатини билганим учун.

Шу пайт «ука» бирдан янада жиддийлашиб менга юзланди.

— Журавой, мен ҳаммани айта олмайман, шу пайтгача баъзиларнинг ошини ейиш у ёқда турсин, Ҳатто бир пилла кўк чойини ҳам ичмаганман.

Мен ошга бориб юрадиганларни айта



бошлаганим у гапни бўлди.

— Раҳмон Маматқулов билан Абдулла Нуримовни умуман айтмайсиз, — деди у ташқарига чиқаётди. Биз эса ҳазилни метёрига етказиш учун Раҳмонни соат ўнтаси кам еттига, Абдулла акани эса еттига таклиф қилдик.

Ҳамоманлар унча-мунча хизматга ёрдам қилайлик, дея сал олдинроқ бордик. Не кўз билан кўрайликки, «ука» энг шинам хонанинг тўрида турп кўчириб ўтирибди. Икки ёнида бош мухаррир ўринбосарлари Нуъмонжон Насимов, Саъдулла Бокиев, масъул котиб Кабир Шукровлар ўтиришди.

«Ука»нинг лимони чоғ, дастурхонни дид билан безатган. Утириб фотиҳа қилган, бир пилладан чой ичдик. Собир ака ароқни очиб қиттак-қиттак қилайлик деб турганди, «Ассалому алайкум, Собир ака» дея Раҳмон Маматқулов кириб келди.

— Ҳа, кел ука, ўтир, — деди «ука» менга маълуми қараб қўйган.

Ҳаял ўтмай Абдулла ака ошоби кириб келди.

— Ассалому алайкум, Собир ака, мен бироз кечикдим, узр, чин қалбдан табриклайман, — деди у буш жойга ўтириб. Шунда «ука»нинг авзойи узил-кесил бузилди ва:
— Журавой, мен нима, бу ерда тўй қилаётманми? — дея қўлидаги қалаҳни дўқ этиб қўйдим.

— Ҳа, энди «ука», сиз учун бутун тўй десак ҳам бўлаверарди, — деди кимдир қилиб.

Хуллас, укани «янги лавозим» билан табриклар ошини едик. Хайра-шаёб ўнча ерталаб яхшироқ кийиниб барвақтроқ келишини таинилдик. Чунки бош мухаррир Исмоил ака барвақт келиб, гуллари кўздан кечириб бироз ёзиб-чизарди.

Сирлар» туманидан қатнаб ишлай-

диган «ука»си тушмагур биз айтгандан ҳам барвақт келиб, қабулхонада газета титкилаган киши бўлиб, бош мухаррирни кута бошлади. Биз ҳам икки-уч ходим томоша нима билан тугашининг гувоҳи бўлиш учун эрта келиб ўтиргандик.

Ниҳоят Исмоил ака келади. Қабулхонада бошдан-оёқ байрамона кийиниб, галстук таққан Собир акани кўриб ҳайрон бўлади ва:

— Ҳа Собиржон, тинчликми? — дейди.

— Ҳа тинчлик, Исмоилжон ака, раҳмат шунчалик... — дейди гапи чала қилиб. Чунки ҳеч нарсадан хабари йўқ бош мухаррир хонасига кириб кетди. Котиба келади, у ҳам Собир акани кўриб ҳайрон. «Ука»га эса жон кирди. Қия очик эшикдан Исмоил ака эшитсин, деб дамба-дам баланд овозда:

— Раисахон, кечаги «Правда»нинг борми, «Известия»чи?... — дея умрида ўқимаган журналларнинг ҳам номини айтди.

Биз эса хонада қотиб қотиб қулардик. Анча вақтдан кейин бош мухаррир ташқарига чиқиб келади. У ҳамон газета титкилаётган «ука»нинг ўзига қандайдир умид билан термулаётганидан ҳайратланиб:

— Собиржон оғайни, бо-ятдан бери бу ерда турибсиз, нима гап ўзи? — дея сўрайди. «Ука» эса янада очилиб-сочилиб:

— Раҳмат, Исмоилжон ака, шунчалик эътиборга олиб яхшилик қилибсиз, биздан ҳам қайтар, қайтмаса Худодан қайтсин, — деди таъзим қилиб.

— Нималар дейсиз ўзи, мен ҳеч нарса тушунмаяман?, — деди Исмоил ака елка қисиб.

— Раҳмат ака, йигитлар айтишиди, — деди у қўмтиниб.

— Нимани айтишди, очикроқ гапирсангизчи ахир, — қизишди Исмоил ака.

— Бўлим мудирлигига мени раво қўрибсиз, раҳмат, ака, — дейди «ука» чидаб туролмай.

— Нима-нима, қани бу ёққа юринчи, — дея уни ичкарига таклиф қилди. «Ука» кеча бўлиб ўтган барча гапни айтиб беради. Туюқиб кетган бош мухаррир:

— Узи сизни лақма деганларича бор экан-да, мен сизни бўлим мудирини қилсам Журавой, Шарофдан сўраб ўтираманми? — дейди.

«Ука» эса бошини чангаллаб хонадан отилиб чиқиб қишлоғига кетиб қолди.

Бироздан кейин котиба келиб, мен ва Шарофни бош мухаррир чақирапти, деди. Хонага кирсак, кечаги ош-хўрлардан ўтгаси, мухаррир ўринбосарлари, масъул котиб ўтиришарди. Муҳомада бошланди. Учталаси гўё ҳеч гапдан хабарлари йўқдек, елка қисиб ўтиришарди. Асосий айбдор иккимиз эдик. Айбимизни бўйинимизга олишдан бошқа иложимиз йўқ эди. Ҳазилнинг таги зил бўлиб биттадан оғоҳлантириш олдик.

«Ука» эса уч қундан кейин қовоқ-лунжи осилиб келди. Аммо тез кунда яна улфатчиликка қўшилиб кетди. Кейинчалик ёзилган «Яна ошга тушди» сарлавҳали ҳажвиям ана шу ҳангомадан кейин тутилди.

Жура УМАРҚУЛОВ.

Юз берди Ғалат ҳолат пародия

*Тўзонлар қошимда айланди,
Булувлар бошимда айланди,
Лолалар ёшимда айланди.
Оғулар ошимда айланди.*

Иқбол МИРЗОнинг
«Айлана» шеърдан

*Отгандим тош айланди,
Ичгандим бош айланди.
Оғзимни тополмайин,
Қўлимда ош айланди.*

*Хаёл айланди тушга,
Аёл айланди муштга,
Семизгина кўчқорвой,
Эссиз, айланди гўштга.*

*Атлас бўзга айланди,
Соғинч кўзга айланди.
Соғуқ тушиб ўртага,
Кўнгил музга айланди.*

*Айланди шилдироқ ҳам,
Айланди пилдироқ ҳам.
Юриб кетди машина,
Айланди ғилдирак ҳам.*

*Отгандим тош айланди,
Ичгандим бош айланди.
Оғзимни тополмайин,
Қўлимда ош айланди.*

Абдураззоқ ОБРҮЙ



ХАН СОМАЛАР

Александр Македонскийнинг отаси шоҳ Филиппга олиши керак бўлган қалъанинг ниҳоятда мустақамлиги, унга кириб бўлмаслиги ҳақида маълумот келтиришди.

— Кириб бўлмайдими! — деди шоҳ. — Наҳотки, устига тилла ор-тилган эшак ҳам киролмайдими?

Андриандан бир оқсоч киши садақа сўради. Андриан бермади. Шунда бояги киши сочини бўяб келди ва яна садақа сўраб безор қилди.

— Яқинда отанг садақа сўраганди, унга ҳам бермадим, — деди Андриан.

боқ тури. 24. Европача ракс тури. 25. Тоғликлардаги уйқ гор. 31. Испания футбол командаси. 32. Арабистон ярим оролидаги шаҳарга номдош шифобахш гиёҳ. 34. Ҳиндистон давлат ар-боби.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.

*Ўтган шабба сонидан
бошқотирманнинг жа-
воблари:*

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Юрак. 2. Урик. 3. Дока. 4. Дир. 5. Масқ. 6. Декарт. 7. Масала. 8. «Рост». 9. «Сало». 10. Уран. 11. Аруз. 12. Лава. 13. «Салодат». 14. Вазира. 15. Арно. 16. Урла. 17. Драп. 18. «Умид». 19. Мард. 20. Лондон. 21. Рекорд. 22. Пола. 23. Ганг. 24. Гипс. 25. Пиёз. 26. Ёрон.

Муаммонома

Очқич сўзлар: 1. Хайкал. 2. Мурч. 3. Шодлик.

Ҳикмат:

Кучли одамлар ҳаминша оддийлар.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош мухаррир:
Аббосхон
УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

Э. БОЛИЕВ
(масъул котиб —
«Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
(масъул котиб —
«Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ
(бош мухаррир ўринбо-
сари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИ,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ
(бош мухаррир ўринбоса-
ри — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 916,
18042 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ,
Офсет усулида
босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II
компьютерда терилди
ҳамда оператор
Ж. ТОҒАЕВ
томонидан саҳифаланди.

Набатчи котиб —
Ю. ҲАМИДОВ.
Набатчи мухаррир —
О. РАҲИМОВ.
Набатчи —
М. ҲОЛМАТОВА.
Мусаҳҳиб —
М. ЁҚУБОВА.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй.

**«Шарқ» нашриёт-
матбаа концерни
босмахонаси.**


Корхона манзили:

**«Буюк Турон»
кўчаси, 41.**

*Босишга топириш
вақти — 21.00
топирилди — 22.40*

1 2 3 4 5 6

Кроссворд



Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 5. Англиядаги таниқли футбол коман-да. 7. Шаҳмат мусобақаси бўйича жаҳон чемпио-ларидан бири. 11. Авто-мобиль мотори сувини сови-тувчи асбоб. 13. Ватанпар-варлик, севги, садоқат, озодлик учун кураш маз-мундаги қозоқ халқ дос-тони. 15. Телефон қурил-масидаги тебранма ҳаракат қилувчи парда. 20. Темир-бетон бинонинг металл синчи. 22. «Кафансиз кўмилағлар» асари муал-лифи. 26. Даниялик эр-такчи ижодкор. 28. Шарқ-нинг йирик шаҳарларида бўлган марказий майдон. 30. Сувда ва қуруқликда яшашга мослашган калта-кесаксимон жонивор. 35. Марказий қизилқумда жойлашган қимматбаҳо маъдан номидан бошла-нувчи тоғлик. 37. Спорт мусобақаларининг радио орқали шарҳи.

Энгиз: 4. Енгил авто-мобиль русуми. 6. Пул маблағлари билан шуғул-ланувчи давлат муассаса-

си. 8. Ит зоти. 12. Ўрта асрга мансуб Италия шо-ири. 14. Она ер. 19. Йи-рик, жануб ўрмонларида яшовчи жонивор. 21. Сўз кўрки. 23. Америка қитъа-си таркибидаги оролда жойлашган мамлакат. 27. Яшил қитъа номини ол-ган ҳудудга мансуб итси-мон ҳайвон. 29. Қора ден-гиз соҳилидаги шифобахш оромгоҳларга бой шаҳар. 34. «Шашмақом» таркиби-даги мақом. 36. Қозоғис-тонда пул бирлиги. 38. Сув бўйларида жойлашган, кемалар тўхташига мос-лаштирилган иншоотлари бўлган маскан.

Бўйига: 1. Бирор ма-салани амалга ошириш бўйича қилинадиган так-лиф, маслаҳат. 2. Сайллар-да ўтказиладиган чавандоз-лик мусобақаси. 3. Хўл мева тури. 9. Баъзи қурил-ма ва транспорт мослама-ларининг доим ҳаракат қилувчи тасмаси. 10. Сўз туркуми. 16. Мусиқа аса-ри тури. 17. Уйиш хусу-сиятига эга бўлган метал-ларнинг аралашувидан ҳосил бўлган кимёвий модал. 18. Тасвирилик жум-